

323
M 90

422 328

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ
РЕСПУБЛИКА МАҲНАВИЯТ ТАРГИБОТ МАРКАЗИ
МИЛЛИЙ ФОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН –
ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ,
ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ,
ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ
ВА ФАРОВОИЛИГИНИНГ, БИЗ КЎЗЛАГАН
ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО
ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг
ўн саккиз йишигига бағишилаб ўтказиладиган
таргигбот-ташвиқот ишларида фойдаланиш учун

ҚУЛЛАНМА

2032859



ТОШКЕНТ — «O'ZBEKISTON» — 2009

66.3(5Ў)6

М 90

Ушбу китобда мамлакатимизнинг истиқлол йилларида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида қўлга киритган улкан ютуқлари, давлат ва жамият қурилиши, иқтисод, сиёсат ва маънавият соҳасидаги натижалар акс эттирилган.

«Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишинг гаровидир» деган эзгу ғоя тўпламнинг мазмун-моҳиятини белгилайди.

Истиқлолнинг 18 йиллиги арафасида чоп этилаётган мазкур қўлланма ўтган давр мобайнида босиб ўтилган мураккаб йўлимизга яна бир бор назар ташлаб, ислоҳотлар жараёнида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижаларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг онгу-шуурига етказишга хизмат қиласидаги маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари, олимлар ва мутахассислар, тарғиботчи ва ташвиқотчиларга мўлжалланган.

ISBN 978-9943-01-455-8

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2009

КИРИШ

Истиқлол эл-юртимиз учун ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, қадр-қимматини англаб, муносиб ҳаёт кечириш, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш имкониятини яратди. Айни пайтда у ҳар бир одамнинг иқтисодий-ижтимоий соҳаларда истеълоддод ва қобилиятини тұла намоён этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рүёбга чиқаришининг мустаҳкам заминидир.

Мустақиллик йилларида күхна тарихимиз, бой меросимиз, миллий давлатчилигимиз, муқаддас динимиз, урфодат ва анъаналаримиз қайта тикланди. Бугунги кунда меҳроқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга хурмат, Ватан тақдери ва келажагига дахлдорлик туйғуси юрагимизнинг туб-тубидан үрин олди.

Яқинда Президент Ислом Каримовнинг Ватанимиз ва халқимиз ҳаётидаги буюк сана — Мустақиллик байрамининг 18 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича қарори қабул қилинди. Унда жойларда, меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари, маҳаллаларда «Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир» деган эзгу гояни ифода этадиган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш борасидаги кенг кўламли вазифалар белгилаб берилди.

Шу маънода мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллигини нишонлаш арафасида ўтган давр мобайнида босиб

ўтилган мураккаб йўлимизга яна бир бор назар ташлаш, мустақил тараққиётимиз давомида амалга оширилган ишлар, эришган натижаларни холисона баҳолаш ва уларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчилик, бутун ҳалқимизнинг онгу шуурига етказиш мақсадга мувофиқдир.

Дарҳақиқат, мустақиллик туфайли биз ўзлигимизни англадик, озод ҳалқ, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг бор бўйбастини, улкан салоҳиятини бутун дунёга намоён қилиш имкони очилди. Озодлик боис бизни жаҳон таниди, ҳалқимизнинг фидокорона меҳнати, ёшларимизнинг файрати, азму шиҷоати илиа Ватанимизнинг шон-шуҳрати олам узра яна кенгроқ ёйилмоқда. Ҳуррият берган бекиёс имкониятлар негизида эртанги кунимиз — эркин ва фаровон келажагимизни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқдамиз.

Ватанимизнинг янада обод, ҳалқимиз ҳаётининг фаровон бўлиши ва олдимизда турган юксак вазифаларнинг баҳарилиши кўп жиҳатдан қишлоқларимизнинг тақдирни ва келажаги билан боғлиқ. Шунинг учун қишлоқ аҳлининг ҳаётини замонавий мезонларга жавоб берадиган даражага кўтариш, агарар соҳа ривожига ривож қўшиш, унинг самародорлигини ошириш айни кундаги долзарб масалалардан-дир. Президентимиз томонидан 2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши ва бу борада қабул қилинган Давлат дастури қишлоқда турмуш даражасини ошириш, қишлоқ аҳлининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган хукуқий базани мустаҳкамлаш, қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантириш, бир сўз билан айтганда, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқти-содиётимизни модернизация қилиш ва замонавийлаштириш, қишлоққа саноатни олиб кириш йўналишида узоқни кўзлаб олиб борилаётган ишларимизни жадаллаштириш, қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини янги погонага кўтаришга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

«Мустақиллик» ва «ислоҳот» тушунчаларига муштарак сўзлар сифатида қарашимиз табиий, албатта. Чунки фақат

мустақил давлат ва мустақил жамиятдагина ислоҳотларни амалга ошириш мумкин. Мустақиллик ҳам, ислоҳотлар ҳам инсоннинг яхши яшаши, муносиб турмуш даражасига эришиши учун зарур шароит яратади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар босқичма-босқичлик тамойилига асосланганини, ушбу тараққиёт йўли нечоғли тўғри ва ҳаётий эканини хорижий эксперт ва мутахассислар, сиёсатчилар ҳам эътироф этмоқда. Буларнинг барчаси Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган «тараққиётнинг ўзбек модели» ва машҳур беш тамойил асосида амалга оширилаётган ишларнинг намоёнидир.

Ушбу қўлланмада мамлакатимизда мустақил тараққиёт даврида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳада қўлга киритилган салмоқли ютуқлар, амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, уларнинг маъномоҳияти ва аҳамияти хусусида сўз юритилади.

I. СИЁСИЙ СОХА, ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ЙҰНАЛИШИДАГИ ИСЛОХОТЛАР

Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил қадамлар босиб бормоқда. Шу мақсадлар йўлида ўзлигимизни англаш, юрт равнақи, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлитигини таъминлаш талаби аниқ ва равshan белгилаб олинган. Ушбу вазифаларни бажариш аввато ислоҳотлар жараёнини изчил ва босқичма-босқич амалга оширилишига боғлиқ. Президент Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидлангани каби: «Жамият ҳаётида шундай даврлар бўладики, ... барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш зарурати энг муҳим эҳтиёж, керак бўлса, ҳаёт-мамот масаласи сифатида кун тартибига чиқади».

Ўтган даврни Юртбошимизнинг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» асари асосида таҳдил қилиш уни икки даврга булиш мумкинлигидан далолат беради. Ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич — 1991—2000 йиллар мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из колдирган ўтиш даври том маънода тарихий аҳамиятга эга давр бўлди.

2001 йилдан 2007 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган иккинчи босқич — фаол демократик ўзгаришлар, судхукуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишни таъминлашда фоят муҳим аҳамият касб этади.

Демак, мамлакатимизда барпо этилаётган демократик жамият тадрижий асосларга эга бўлган кучли ислоҳотчилик

орқали юксалмоқда. Аслида ҳам шундай. Бир даврдан иккинчи даврга ўтаётган жамият кучли ислоҳотчилик орқалигина янгилана олади. Бунинг учун эса янгича тафаккур зарур бўлади. «Табийики, — деб таъкидлайли Президентимиз, — бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш жараёнида одамлар онгига, жамият мафкурасида туб ўзгаришлар содир бўлади. Бироқ, баъзи бирорларнинг ҳадиксираб, эркин бозор шароитида маънавий-ахлоқий қадриятларнинг қиммати тушиб кетади, маданият иккинчи даражали нарсага айланиб қолади, деган хавотирлари ўринсиз экани Ўзбекистондаги бугунги ўзгаришлар мисолида яна бир бор яққол аён бўлмоқда.»

Янгича тафаккурнинг юзага келиши учун муайян ижтимоий муҳит лозимдир. Ўзбекистонда бундай муҳит осонгина яратилгани йўқ. Биз ўз мустақиллигимизни қўлга киритиб, янги тараққиёт йўлига қадам қўйганимиздан сўнг халқимизнинг хоҳиш-иродаси, асрий орзу-интилишларига таянган ҳолда, шўро давридан оғир мерос бўлиб қолган маъмурий-буйруқбозлик тизимини тубдан ислоҳ қилиш, унинг ўрнида моҳият эътибори билан бутунлай янги — эркин бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш йўли белгилаб олинди. Табийики, бу мақсадга эришиш учун қандай стратегик йўл, ислоҳотларнинг қандай шакл ва усули маъқул экани ҳақида олимлар ва мутахассислар, кенг жамоатчилик, эл-юртимиз вакиллари бош қотирди. Бу борада тараққий топган давлатлар мисолида ўзини оқлаган илфор тажрибалар ҳам чуқур ўрганилди. Энг муҳими, халқимизнинг ҳаёт тарзи, миллий анъана ва қадриятларимиз, аҳолининг руҳи ва кайфияти ҳам ҳар томонлама ҳисобга олинди. Чунки ҳар қандай ислоҳотнинг пировард натижаси аввало унинг заруратини аҳолининг кенг қатламлари қай даражада тушуниши ва қўллаб-қувватлаши, бу ўзгаришларнинг инсон ҳаётига, унинг фаровонлигини оширишга кўрсатадиган амалий таъсири билан ўлчанади. Ана шу ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, одамларга ислоҳотларнинг маъно-моҳиятини аниқ-равшан тушунириб бериш, шу асосда жамият аъзоларида ишонч уйго-

тиш, уларни бунёдкорлик сари сафарбар этиш муҳим аҳамиятга эга.

Аслида, ҳар қандай ислоҳотнинг самараси аввало ҳалқнинг маънавий-руҳий янгиланиши, тафаккурининг юксалиши, юз берәётган ўзгаришлар унинг ҳаётига ва тақдирига дахлдор бўлганини чуқур ҳис қилиши ва шундан хулоса чиқариши билан белгиланади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида аввал-бошдан ана шу нозик жиҳатга алоҳида эътибор қаратилди. Барча ўзгариш ва янгиланишларнинг марказига инсон ва унинг манфаатлари қўйилди. Бугунги кунда ҳам ўзгаришлар жараёнининг моҳиятида ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун, деган тамойил мужассамдир.

Юртимиздаги бугунги тинч ва осойишта, бунёдкор ҳаёт, барқарор тараққиёт бундай ёндашувнинг нақадар тӯғри бўлганини ва узоқни кўзлаганини тасдиқлаб бермоқда. Масъулиятли пайтларда, кескин ижтимоий ларзаларга олиб келадиган ҳар қандай инқолобий ҳаракатларга қарши, тадрижий ривожланиш тамойилларига асосланган ўз йўлимиз бор ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз, деб айтилган қатъий сўз ва мустаҳкам сиёsat бугун ҳам изчил амалга оширилмоқда.

Маълумки, мустабид тузум ҳалқнинг қарашлари ва интилишларидан йироқ эди. Ана шундай мушкүл бир вазиятда давлатнинг ислоҳотчилик ролини тан олмаслик масалани ўзибўларчилик ҳолатига ташлаб кўйиш билан баробар эди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, демократия аввалимбор маънавий мезонлар асосида бошқариладиган, қучли ҳуқуқий давлат, қучли фуқаролик жамияти демакдир. Айтиш мумкинки, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти демократиянинг ўзаро узвий боғлиқ бўлган икки жиҳати, икки қанотидир.

Жамият ҳаётида қонунийлик мезонлари тўлиқ жорий этиб борилиши давлатнинг фаолиятида ўз аксини топиши ва доимо мустаҳкамланиб борилишини тақозо этади. Айнан шу мақсадларга мос ҳолда Ўзбекистонда ислоҳотларни му-

ҳим йўналишлари этиб ҳокимиятни бўлиниш тамойилини амалга оширишни таъминлаш, жамиятни сиёсий тизимида парламентни ривожлантириш, суд ҳокимиятининг ролини ошириш каби масалалар белгилаб олинган. Бу йўлда жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида «**Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари**» foғси асосида ижобий натижаларга эришилиб келинмоқда. Президентимиз шу учта йўналишдаги ислоҳотлар юзасидан қуйидаги фикрни билдиради: «мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг асосий тамойиллари аниқ ифодалаб берилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши энг муҳим тамойил сифатида белгиланди»¹, «давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар натижасида мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали парламентта айлантирилди»², «судларни жазоловчи ва фақат давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи органдан қонун устуворлигини ва инсон ҳукуқлари ҳимоясини таъминловчи органга айлантиришга қаратилган яхлит суд ҳокимияти тизимини шакллантириш вазифаси қўйилди ва муваффақиятли ҳал этилди»³.

Шунинг учун ҳам 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Конституциясида ҳокимиятнинг конституциявий асосда бўлиниши тамойили мустаҳкамлаб қўйилди. Бу тамойил Конституциянинг 11-моддасида «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади» деган қоидада акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги «**Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мам-**

¹ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. — Т.: Ўзбекистон, 2007. — Б. 10.

² Ўша маңба. — Б. 31.

³ Ўша маңба. — Б. 12.

лакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» номли маъруза-сида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари, жумладан, ҳокимияти бўлинишига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Маърузада «Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа бу — қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат»¹ экани қайд этилди.

Бунда, авваламбор, Президентнинг баъзи ваколатлари-ни парламентнинг юқори палатаси — Сенатга ва хукуматга ўтказиш, профессионал, доимий асосда ишлайдиган қуи — Қонунчилик палатасини шакллантириш, унинг ваколат ва хукуқларини кенгайтириш кўзда тутилган ва ҳозирнинг ўзидаёқ бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг амалий самараси кўриниб турибди. Бу хукумат фаолиятининг кенгайишига ҳамда масъулиятининг ошишига олиб келади, давлат органдари фаолиятини қонуний асосда чегаралаш, уларнинг ваколатларини аниқлаштиришга хизмат қиласи.

Доимий асосда ишлайдиган қуи — Қонунчилик палатаси кўп партиявийлик, муқобиллик асосида шакллантирилиши демократиянинг ёрқин ифодаси бўлди. Қуи палатага 4 та сиёсий партия ва ташаббускор гурӯҳлардан 489 та номзод қўйилиб, улар ўртасида ҳалол кураш олиб борилди. Сайловлар икки турда ўтказилди. Биринчи турда 62 та, иккинчи турда эса 58 та депутат сайланди. Бу кўрсаткичлар фуқароларимиз ижтимоий-сиёсий фаоллигининг, ўз тақдирини ўзи белгилашга бўлган интилиши ва ишончининг ортиб бораёттани, шунингдек, давлат ишларида қатнашиш ҳаётий заруратга айланниб бораёттанини кўрсатади.

Қонунчилик палатасида барча сиёсий партия ва ташаббускор гурӯҳ вакилларининг бўлиши, улар ўз фракция ва гурӯхини тузиш имкониятига эга экани турли фикрлилик,

¹ Каримов И.А. Бизнинг бosh мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т. 13. — Т.: Ўзбекистон, 2005. — Б. 179.

баҳс-мунозара асосида фаолият юритиш, ишчанлик мұхити шакланаётганидан далолат беради. Депутатларнинг 18,3 фоизини юристлар, 21,7 фоизини иқтисодчилар ташкил этиши, парламентда саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, қишлоқ хұжалиги, фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш соҳалари вакиллари ва тадбиркорларнинг бўлиши, бир сўз билан айтганда, Қонунчилик палатаси аҳоли кенг қатламларини қамраб олгани унинг аҳоли турли қатламлари манфаатларини тенг ифода этишини кўрсатади. Бу эса қонунларни пухта-пишиқ тайёрлашда мұхим аҳамият касб этади. Парламентдаги депутатларнинг 18 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётгани, депутатлар миллий таркибининг ранг-баранглиги мамлакатда аҳоли турли гурӯҳ ва қатламлари манфаатларининг Қонуний тарзда рўёбга чиқишига имкон яратади.

Профессионал асосда доимий ишлайдиган парламент Ўзбекистон тажрибасида илк бор шакллантирилиб, ҳозирги кунда самарали фаолият юритмоқда. Албатта, унинг тажрибаси ҳам, иш самарадорлиги ҳам борган сари ортиб, янги янги вазифаларни бажариш салоҳияти юксалиб боради. Президентимиз томонидан Қонунчилик палатаси ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш масаласи илгари сурилаётгани ҳам бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ, қонуний чора-тадбирларни амалга ошириш» лозим бўлади. Кейинги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш, судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, Юртошимииз маъруза ва нутқларида судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳали ечимини кутиб турган жиддий муаммолар сифатида прокуратура органларининг айрим ваколатларини, шу жумладан, шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек, бошқа процессуал мажбурлов

чораларини құллаш ҳуқуқини судларга ўтказиш; жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларимизнинг дастлабки тергов ва судгача бұлған жараён устидан суд назоратини кучайтириш билан бөглиқ бұлған айрим қоидаларини қайтадан құриб чиқиш; жиноий жазо тизимидан үлім жазосини чиқариб ташлаш; суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органдары ходимларининг масъулиятини кучайтириш; ҳуқуқ-тартибот органдары тизимида коррупцияға қарши курашиш; тәдбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясина тұла таъминлаш вазифалари белгилаб берилген.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига олдинда турған сайловлар муносабати билан жамиятни модернизациялаш ва янгилаш жараёнларida мамлакат олий қонунчилик органды, жойлардаги ҳукumat вакиллик органдарининг рөли ва ўрнини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш мақсадларida ЎзРнинг айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзgartыш ва құшимчалар киритилди.

Масалан, 2009 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Сайлов тұғрисидаги қонун ҳужжатлары такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонуларига ўзgartыш ва құшимчалар киритиш ҳақыда»ги Қонуни асосида Қонунчилик палатасидаги депутатлық ўринлари сони 120 дан 150 тага күпайтирилди. (Ўзбекистон Республикаси Конституциясы 77 моддасининг биринчи қисми).

«Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига Сайловлар тұғрисида»ги Қонунга ҳам, хусусан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси (куйи палата) нинг 135 та депутати умумий, teng ва бевосита сайлов ҳуқуқи асосида худудий бир мандатлы сайлов округларидан күп партиявийлик асосида ва 15 таси Ўзбекистон Экология ҳаракати олий органды (Конференция) томонидан сайланиши тұғрисидаги ўзгартишлар киритилди. Фуқаролық жамияти институтларининг сайловлардаги иштироки рөли ва имкониятларининг кенгайғанлиғи борасида Қонунчилик палатаси депутатлары таркибиға Ўзбекистон Экология ҳаракатидан сайланған депу-

татлар депутатлик гурухлари тузиш ҳуқуқига эга экани ҳам далолат бермоқда.

Ҳокимиятнинг қонунчилик ва вакиллик органларини шакллантириш ишида сиёсий партияларнинг роли сезиларли ортиб бормоқда. Уларга бир вақтнинг ўзида сайловларга тайёргарлик ва уларни ўтказиш борасидаги сайлов қонунчилигининг талаблари бажарилиши бўйича катта масъулит юклатилади. Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутати ва Олий Мажлис Сенати аззоси мақоми тўғрисида» ги Қонуннинг 9-моддаси биринчи бандида: «Депутат ўз округи сайловчилари, уни депутатликка номзодини кўрсатган сиёсий партия билан алоқада бўлади, Қонунчилик палатасида уларнинг манфаатларини ифодалайди», деб кўрсатилган.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг жамият институти сифатидаги ҳуқуқий мақоми шаклланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида сиёсий партиялар жамоат бирлашмалари каби жамиятнинг институти эканлиги эътироф этилиши билан бирга, уларнинг давлат ҳокимияти органлари фаолиятига аралашибга йўл қўйилмаслиги конституциявий меъёрлар билан белгилаб қўйилди. Умуман, Ўзбекистон қонунчилигида демократик принциплар асосида фаолият юритадиган сиёсий партияларнинг ўз фаолиятини амалга оширишлари учун ҳуқуқий асослар яратиб берилди.

Ўзбекистон Конституциясидаги демократик тамойиллар, шунингдек амалга оширилган ҳуқуқий ва сиёсий ислоҳотлар мамлакатда янги партияларнинг тузилишига кенг имкониятлар яратиб берди.

Ўзбекистонда кўп партиявийлик тизимини қарор топишида 1996 йилнинг 25 декабрида Олий Мажлис қабул қилган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун муҳим ўрин тутди. Қонун 17 та моддадан иборат бўлиб, унда сиёсий партияларнинг демократик қоидалар асосида фаолият юритишлари учун ривожланган мамлакатлар мезонлари талабларига хос бўлган ҳуқуқий асослар яратилди. Мазкур Қонунга биноан сиёсий партиялар эркин фаолият юритиш

хуқуқига эга бўлдилар, партияларнинг ўзаро хуқуқий тенглиги, шунингдек, уларнинг жамият олдидағи вазифалари ва масъулияти қонунлаштирилди.

Сиёсий партиялар фаолиятининг фақат хуқуқий жиҳатдангина кафолатлашнинг ўзи уларнинг кенг қиррали фаолиятлари йўналишларини амалга ошириш учун етарли эмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Сиёсий партияларнинг жамиятдаги ва сиёсий муносабатлардаги функцияларини тўла бажара олиш қобилиятини ошириш учун уларнинг фаолиятларини молиявий жиҳатдан ҳам кафолатлаш тажрибаси жорий этилди. 2004 йил 30 апрелда Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг XIV сессияси «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди.

2008 йилдан бошлаб кучга киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатда фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш учун хуқуқий асосларни мустаҳкамлаб, сиёсий партияларни демократик таомиллар асосида фаолият юритишлари учун имкониятлар яратиб берди.

Кўриниб турибдики, XXI аср бошларида мамлакатда жамият сиёсий соҳасини эркинлаштириш, бунинг учун аввало жамиядта кўп партиявийлик тизимини янада демократлаштириш вазифалари сиёсий ислоҳотларнинг муҳим жиҳатларини ташкил этади.

Сайлов тўғрисидаги қонун хужжатларига ўзгартириш киритилиши муносабати билан 2010 йилдан бошлаб Олий Мажлис Қонунчиллик палатасининг сиёсий партиялар ва Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан кўрсатилган номзодлари асосида шакланиши мазкур палатани фуқаролик жамияти билан бевосита алоқадорликда булишини таъминлайди. Жамиядаги турли ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар сиёсий партиялар воситасида ўз манфаатларини парламентга етказиш имкониятига эга бўлдилар. Сиёсий партияларнинг бош вазифаларидан бири — давлат билан

жамият ўртасидаги воситачилик функцияларини бажариши учун кенг имкониятларга эга бўлди.

Мамлакатда шаклланган сайлов тизимиға доир ҳуқуқий асослар парламент, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашиларини шакллантириш тамойиллари ва фуқароларнинг сайловларда қатнашиш ҳуқуқини, мамлакатда ҳалқ ҳокимиятини амалга ошириш ва давлатнинг умуминсоний манфаатлар тамойиллари асосида ташкил этишининг муҳим демократик пойдеворидир. Фуқароларнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги иштироклари сайловлар даврида аниқ ва равшан намоён бўлади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида «бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади»¹, дейилади. Мазкур конституциявий қоидадаги «давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш» сўзининг асл маъноси давлат органларини ҳалқ томонидан тўғридан-тўғри сайланишини англатади.

Ўзбекистонда сайловлардаги тенглик ҳуқуқи тамойили Конституциянинг 117-моддасида қуйидагича мустаҳкамланган: «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади. ... Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади»².

Ўзбекистонда сайловларнинг ҳуқуқий асослари ривожланган мамлакатларда кенг ёйилган демократик тамойилларга мос. 2003 йил 29 августда Олий Мажлис томонидан 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2003. — Б. 8.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2003. — Б. 31—32.

ликаси Олий Мажлисига сайлов тұғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририни қабул қилиши натижасыда унга демократик қадриятларға хос бұлған янги тұлдиришлар ва үзгартышлар киритилди. 1994 йил 5 майда парламент томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқтарининг кафолатлари тұғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Шунингдек, 2003 йил 29 августда Олий Мажлис томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тұғрисида»ги Қонунига (1994 йил 5 май) ҳам үзгартышлар ва тұлдиришлар киритилди. Мазкур қонулар сайловларни амалға оширишнинг демократик тамойилларининг асоси сифатида катта синовлардан үтди.

Ўзбекистонда Сенатни шакллантиришда маҳаллий вакиллик органларига Сенат аъзолигига номзодлар курсатиши ваколатларини берилиши — ҳудудий манфаатларнинг қонуларда ифодаланиши учун шарт-шароитлар яратди. Шу билан бирга, маҳаллий халқ депутатларининг Сенат аъзоларини сайлашда бевосита иштирок этиши вакиллик демократиясининг шаклланишига, шунингдек, уларнинг умуммиллий давлат бошқаруви фаолиятида бевосита иштирок этишлари учун ҳуқуқий имкониятлар ҳам яратди.

Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тұғрисида»ги Қонунига биноан халқ депутатлари Кенгашларига «сайлов куни йигирма бир ёшга тұлған ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган»¹ фуқаролар сайланиш ҳуқуқига әгадирлар. Олий Мажлис умумдавлат аҳамиятига әга олий қарорлар қабул қилувчи орган бұлғани учун ҳам Конституцияда (77-модда) унинг ҳар иккала палатаси — Қонунчилік палатасига депутат ва Се-

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тұғрисида»ги (ўзгартышлар билан) Қонуни // Ўзбекистон Республикасининг сайловга оид қонулар тұплами. — Т.: ТДЮИ, 2004. — Б. 38.

натга аъзо бўлиб сайланиш ҳуқуқини 25 ёшга тўлган фуқароларга берилиши мустаҳкамланди¹.

Ўзбекистон сайлов тизимидағи тенг сайлов ҳуқуқи қуидагиларни англатади: «ҳар бир фуқаро бир овозга эга. Фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машгулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар»².

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи ҳокимият вакиллик органларига сайлов тўғридан-тўғри ўтказилишини англатади: беистисно барча Кенгашларнинг депутатлари фуқаролар томонидан бевосита сайланадилар³.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонуннинг 5-моддасида сайловларда яширин овоз бериш қоидаси қуидагича ифодаланган: «Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида эркин ва яширин овоз берилади. Овоз берувчиларнинг хоҳиш-иродаси назорат қилинишига йўл қўйилмайди»⁴. Ўзбекистонда қуий вакиллик органларига сайловлар тўғрисидаги бошқа қонунларда ҳам яширин овоз бериш тайомили мустаҳкамланди.


Мустақиллик йилларида маҳаллий вакиллик органлари га сайловларга доир ҳуқукий асослар ҳам такомиллашди. Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг (1994 й. 5 май) 1-моддасида Ўзбекистонда маҳаллий вакиллик органларига сайлов ўтказишнинг асосий тамоийлари демократик қадриятлар талаблари даражасида

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2003. — Б. 15.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонуни // Ўзбекистон Республикасининг сайловга оид қонунлар туплами. — Т.: ТДЮИ, 2004. — Б. 6.

³ Қаранг: Ўша жойда. — Б. 6.

⁴ Қаранг: Ўша жойда. — Б. 6.



белгилаб қўйилди: «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп partiyaийлик асосида беш йил муддатга ўтказилади. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар»¹.

Ўзбекистон парламентига демократик тамойиллар асосидаги сайловлар илк бор 1994 йил 25 декабрда ўтказилди. Мустақиллик даврида Олий Мажлисга ўтказилган биринчи сайлов мамлакатда тобора тараққий топаётган демократик жараёнларнинг амалдаги ифодаси бўлди. Кўп partiyaийлик ва муқобиллик асосида ўтган сайловларда фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳар жиҳатдан қадрланди.

1999 йил 5 декабрда бўлиб ўтган демократик қадриятлар асосидаги сайловга тайёргарлик кўришга доир ташкилий-оммавий ишлар натижасида мамлакатда 250 та ҳудудий сайлов округлари тузилди, 7723 та сайлов участкаси ташкил этилди. Округ ва участка сайлов комиссиялари таркибида 100 мингдан зиёд масъул фаоллар фаолият кўрсатдилар. Сайлов ҳуқуқига эга бўлган 12,5 миллиондан ортиқ фуқароларнинг рўйхати тузилди. Олий Мажлис депутатлигига 1200 ортиқ номзодлар кўрсатилиб, ҳар бир ўрин учун ўртача 5—7 тадан номзодлар ўзаро рақобатлашдилар. Сайлов кампанияси жараёнларида 250 та Олий Мажлис депутатлари сайланди.

Шунингдек, 1999 йил 5 декабрда бўлиб ўтган халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар ҳам демократик тамойиллар асосида ўтказилди. Бу сайловларда 5 та сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органлари, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан депутатликка номзодлар кўрсатишнинг қонуний асослари ўрнатилиб, унда

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонуни // Ўзбекистон Республикасининг сайловга оид қонунлар тўплами. — Т.: ТДЮИ, 2004. — Б. 38.

турли хил ижтимоий қатлам ва гурухлар ўз вакилларини депутат бўлиб сайланишлари учун курашдилар.

1999 йил 5 ва 19 декабрда ўтказилган икки тур бўйича овоз бериш натижаларига кура, ҳалқ депутатлари вилоят Кенгашларига — 661, туман Кенгашларига — 4564, шаҳар Кенгашларига — 831 депутат сайланди. Маҳаллий вакиллик органларига сайланган депутатлардан 61 нафари — «Адолат» социал-демократик партияси, 85 нафари — «Ватан тараққиёти» партияси, 20 нафари — «Миллий тикланиш» демократик партияси, 509 нафари — «Фидокорлар» миллий демократик партияси, 1997 нафари эса Ўзбекистон Ҳалқ демократик партияси вакилларидан иборат бўлди. 360 нафар депутат — вакиллик органлари, 2943 нафари — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, 81 нафари — сайловчиларнинг ташаббускор гурухлари вакилларини ташкил этди.

2000 йил 9 январда ва 2007 йил 23 декабрда мамлакатимизда ўтказилган Президентлик сайлови ҳам демократик тамойиллар — кўп partiyaийлик ва муқобиллик асосида ўтказилди. Номзодларнинг сайлов олди ташвиқотлари ошкоралик ва тенг ҳуқуқлийлик асосида олиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг юксак даражада ўтиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Мамлакатдаги сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббус гурухлари томонидан Президентликка номзодларни кўрсатилиши, сайлов олди кампаниясида номзодлар ўртасидаги баҳс-мунозаралар, сайловларни амалга ошириш жараёнлари демократик принциплар асосида рўй берди, бу жараёнлар ҳалқаро эксперtlар томонидан эътироф этилди.

Ўзбекистонда сайлов қонунчилигининг ривожланишига уйғун равишда фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти ҳам юксалиб борди. Айниқса, мустақиллик йилларида фуқароларнинг сайловлардаги иштирокининг фаоллиги, уларнинг сайловларга нисбатан муносабатларининг ўзгариб бориши, ҳалқнинг демократик қадриятларни ўз турмуш тарзига сингдириб бораётганлиги аниқ сезилди.

2004 йил 26 декабрда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар бўлиб ўтди. Сайловлар жараёнлари Конституция ва қонунлар талаблари даражасида ўтказилди. Мазкур Қонунга киритилган янгиликлар — сиёсий партиялар депутатликка номзодлари рўйхатида хотин-қизларнинг камида 30 фоиз бўлишини шарт этиб қўйилиши, шунингдек, сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштиришга доир маҳсус қонуннинг қабул қилиниши сайловларнинг демократик мазмунини бойитди. Сайловда Парламент Қонунчилик палатасидаги 120 та депутатлик ўринларига 489 номзод кўрсатилди. Жумладан, сиёсий партиялардан — 435 номзод ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан — 54 номзод сайловларда депутатлик ўринлари учун курашдилар. Сайловда 12 197 159 (барча сайловчиларнинг 85,1 фоизи) сайловчилар қатнашди. Ўтказилган сайловлар натижасида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қонунчилик палатасидаги 41 ўринни (34,2%) эгаллади. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 28 та депутат (23,3%) сайланди. Шунингдек, «Фидокорлар» миллий демократик партиясининг 18 та номзоди (15,0%), «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 11 та номзоди (9,2%), «Адолат» социал-демократик партиясининг 10 та номзоди (8,3%) Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланди¹.

Қонунчилик палатасига 159 та хотин-қизларнинг номзодлари қўйилиб, улар ўзларидаги кучли фаолликни намойиш этдилар. 21 та аёл (17,5%) Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланди.

2004 йил 26 декабрдаги, шунингдек, 2005 йил 9 январдаги такорий сайловларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси 120 депутатдан иборат таркибда сайланди².

¹ Каранг: Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси. № 1—2 (11—1), 2005. — Б. 92—97, 107—113.

² Мустафоев Б. Ўзбекистон парламенти сайлови якунлари // Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси. № 1—2 (11—1), 2005. — Б. 30—32.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тұғрисида»ги Қонунининг 58-моддасига мувофиқ 2005 йил 17—20 январда Олий Мажлис Сенатига вакиллік органлари — Қорақалпоғистон Жұқорғи Кенгеси, вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари иштирокида яширин овоз бериш йўли билан сайловлар бўлиб ўтди. Бу сайловлар кампаниясида маҳаллий депутатлар орасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари — 84 та сенаторлар сайланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ Олий Мажлис Сенатининг 16 та аъзоси тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар очиқ ва ошкоралик руҳияти остида ўтди. Сайловлар кампанияси жараёнлари 493 та маҳаллий, 107 та хорижий оммавий ахборот воситаларида ёритилди. Шунингдек, сайловлар жараёнларида 40 та мамлакатдан 228 хорижий кузатувчилар иштирок этдилар¹.

Қонунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гурӯхларидан кўрсатилган номзодларнинг ўз дастурларини ташвиқот қилишлари, сайловчилар билан учрашувлари учун тенг имкониятлар яратилди, уларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишлари учун ҳам тенг ҳуқуқлар берилди.

Марказий сайлов комиссияси, шунингдек, округ ва участка сайлов комиссиялари сайловларнинг ошкоралик ва очиқлик шароитларида ўтказишга муҳим аҳамият бердилар. Интернетнинг халқаро тармоғида Марказий сайлов комиссиясининг маҳсус веб сайти очилиб, у муттасил рашида янгиланиб борилди. Бу сайтда сайловларга доир янгиликлар ўз вақтида бериб борилди. Натижада журналистлар ҳамда сайловларнинг бориши билан қизиққан

¹ Мустафоев Б. Ўзбекистон парламенти сайлови якунлари // Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси. № 1—2 (11—1), 2005. — Б. 33—34.

барча жамоатчилик вакилларининг ахборотлардан фойдаланишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилди¹.

Шунингдек, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 2004 йил 26 декабрдаги, шунингдек 2005 йил 9 январдаги такорий сайловлар ҳам демократик тамойиллар асосида ўтказилди. Сайловларда 5 та сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органлари, сайловчилар ташаббускор гурухларидан депутатликка номзодлар кўрсатилиб, унда турили хил партиялар ва ташаббускор гурухлар ўз номзодларининг депутат бўлиб сайланишлари учун курашдилар.

Ўтказилган икки тур бўйича овоз бериш натижаларига кўра, ҳалқ депутатлари вилоят Кенгашларига — 661, туман Кенгашларига — 4564, шаҳар Кенгашларига — 831, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ҳаммаси бўлиб 6114 та депутат сайланди. Маҳаллий вакиллик органларига сайланган депутатлардан 172 нафари (2,8%) — «Адолат» социал-демократик партияси, 1909 нафари (31,3%) — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, 137 нафари (2,2%) — «Миллий тикланиш» демократик партияси, 581 нафари (9,5%) — «Фидокорлар» миллий демократик партияси, 2525 нафари (41,4%) — Ўзбекистон Халқ демократик партияси, 736 нафари (11,9%) — ўзини ўзи бошқариш органлари, 54 нафари (0,9 %) — сайловчиларнинг ташаббускор гурухлари вакилларидан иборат бўлди. Сайланган барча депутатларнинг 923 нафари (15,1%) хотин-қизларнинг вакилларини ташкил этди².

Ўзбекистонда мустақиллик даврида ўтказилган сайловлар натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдик, мамлакатда демократик қадриятларни миллий анъаналар билан уйғунлаштириш асосидаги ислоҳотлар тобора чуқурлашиб

¹ Нурматов Н. Парламент сайловининг очиқлиги ва ошкоралиги // Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси. № 1—2 (11—1), 2005. — Б. 38—39.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Сенатининг жорий архиви. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов натижалари тўғрисида маълумотнома. 2005 й. 10 февраль. — Б. 1.

бормоқда. Демократик сайловлар институти давлат органларини шакллантиришнинг муҳим воситаси сифатида фуқаролик жамияти аъзоларининг манфаатлари ва иродасини сиёсий қарорларга айланиш жарайёнларини таъминлаб бера олиш даражасига кутарилди. Улар олий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларини халқ томонидан назорат қилиниши учун кенг имкониятлар яратди.

Ҳозирги даврда нодавлат нотижорат ташкилотлари кучли фуқаролик жамияти қуришда, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли ижтимоий-сиёсий фаолигини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасидаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар»¹ каби фуқароларнинг жамият институтларида иштирок этишини таъминлаб берадиган ҳуқуқий асосларнинг эътироф этилиши республикада жамият тараққиёти инсоният ҳаётининг бир неча асрлар мобайнидаги тажрибалари ва синовларидан муваффақиятли ўтган эркинлик жамияти — фуқаролик жамияти сари интилаётганлигини англатади.

Ҳозирги даврда Ўзбекистондаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва сиёсий партиялар фаолияти 1991 йил 14 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни (1997 й. апрелда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган), Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни (1992 й. июль), Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни (1996 й. декабрь), Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» янги таҳрирдаги Қонуни (1998 й. май), Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2003. — Б. 9.

нинг ўзини ўзи бошқариш органлари тұғрисида» янги таҳрирдаги Қонуни (1999 й. апрель), Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тұғрисида»ги Қонуни (1999 й. апрель) каби қонунлар воситасида муво-фиқлашади.

Мамлакатда нодавлат ташкилотлар тизимини янада мустаҳкамлаш, мазкур ташкилотларнинг жамиятдаги барча ижтимоий қатламлар ва гурухлар манфаатларини ифода этиш мақсадларида 2003 йил 29 августда Олий Мажлис томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат жамғармалари тұғрисида»ги Қонуни қабул қилинди¹.

Мамлакатда фуқаролик жамиятиның асоси бұлған фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларига доир ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Бугунғи кунда мамлакатимизда 402 та республика аҳамиятига молик нодавлат жамоат бирлашмалари фаолият олиб бормоқда. Улардан 81 таси ҳалқаро ташкилотлар мақомига әгадир. Нодавлат ташкилотларнинг 48 таси жамғарма, 78 таси жамият, 42 таси федерация, 16 таси касаба уюшмалари, 2 таси ҳаракат, 20 таси марказ, 48 таси ассоциация, 20 таси уюшма, 5 таси құмита, яна 37 таси бошқа номларда расмий рұйхатдан үтган. Ҳозирги даврга келиб республика аҳамиятига молик, шунингдек, Қоралпогистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда давлат рұйхатига олинган 5000 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият күрсатмоқда.

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларини фуқаролик жамияти институти сифатида ривожлантиришда 2005 йилнинг 10 июнида ташкил топған «Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий Ассоциациясы» мұхим аҳамият касб этди. Мамлакатда мустақил, барқарор, ақолининг турли қатламлари құллаб-қувваттай-

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат жамғармалари тұғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисінинг Ахборотномасы, № 9—10 (1329—1330). 2003. — Б. 89—90.

диган фуқаролик жамияти институтларини шакллантиришга, ижтимоий аҳамиятли муаммоларни ҳал этишдаги, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ва иш фаоллигини оширишдаги ролини кучайтириш мақсадларида 2005 йил 26 июля «Ўзбекистон — нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-куватлаш фонди» ташкил топди.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг демократик тамойиллар асосидаги ҳуқуқий асослари шаклланди. Қисқа давр ичидаги мамлакатда фуқаролик жамияти куришнинг пойдевори — конституциявий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди. Ислоҳотлар натижасида мамлакатда нодавлат — нотижорат ташкилотлар тизими шаклланди. Мұхими, «учинчи сектор» билан давлат ҳамкорлиги натижасида мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг мустақил фаолият юритиши, давлат ва жамият ишларини бошқариши учун кенг имкониятлар яратилди.

Ўзбекистонда кучли жамиятга ўтиш даврида ўзини ўзи бошқариш органларига, айниқса, маҳалла институтининг ривожига катта аҳамият берилмоқда. Ўзбекистонда маҳалла қадимги даврлардан бошлаб ҳалқнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Мустақиллик эълон қилиниши билан маҳалла ўзининг қадимий, анъанавий ва ҳуқуқий мақомларига эриша бошлади. Шу билан бирга, давлат ва унинг органлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, маҳалла, қишлоқ, овул ва шаҳарча фуқаролар йигинларини фуқаролик жамиятининг асосий институтига айлантиришга доир чукур ислоҳотлар ҳам амалга оширилди. Мустақиллик даврида 10 мингга яқин маҳалла, қишлоқ, овул ва шаҳарча фуқаролар йигинлари — ўзини ўзи бошқариш органлари ташкил этилиб, шундан 8142 тасини маҳалла фуқаролар йигинлари ташкил этади.

Мустақиллик даврида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва миллий қадриятлар талаблари дараҷасида шаклланди. Демократик жамият қуриш тажриба-

лари шуни курсатдики, қайси бир жамиятда мансаби, ирки, жинси ва бошқа ижтимоий даражаси қандай бўлишидан қатъи назар, фуқаролар конституция ва қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйилган ўз бурчларини амалда бажарганидагина ўзлари учун тегишли бўлган эркинликлари ва ҳуқуқларидан фойдалана олишлари мумкин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Конституциясининг маҳсус XI-боби «Фуқароларнинг бурчлари» деб номланиб, у 6 та моддадан иборатdir. Хусусан, Конституциянинг бу бобидаги 48-моддаси қўйидагича ифодаланади: «Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини хурмат қилишга мажбурдирлар»¹.

Омбудсман институтининг жорий этилиши, Инсон ҳуқуқлари Миллий маркази фаолиятининг йўлга қўйилиши, мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг нафақат ҳуқуқий асослари яратилганлигини, балки бу соҳага доир барча институтларнинг шаклланганлигини ифодалайди.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш муҳим ўрин тутади. Ҳозирги даврда Ўзбекистон жамиятида 7 млн. га яқин фуқаролар касаба уюшмалари аъзолари, 1 млн. дан ортиқроқ фуқаролар эса сиёсий партиялар аъзолари сифатида жамоатчилик ишларида иштирок этадилар. Шунингдек, миллионлаб фуқаролар ёшлар, хотин-қизлар, турли жамғармалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятида иштирок этадилар.

Мустақилликка эришганимиздан бўён ўтган тарихан қисқа давр ичida Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Ўзбекистоннинг жаҳондаги обру-эътибори юксалиб бораётгани, энг аввало, юртимизда демократик ва бозор иқтисодиёти ислоҳотларини амалга ошириш натижасида қўлга киритилаётган улкан ижобий ўзга-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2003. — Б. 10.

ришларда, уларнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилишида мужассам бўлмоқда. Бу — давлатимизнинг жаҳон аҳлига яхши маълум бўлган, минтақамизда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларининг амалий самарасида ўз ифодасини топмоқда. Шу билан бирга бу — мамлакатимизнинг халқаро сиёсат майдонида олиб бораётган ҳар томонлама пухта ишланган, чуқур ўйланган ташқи сиёсатининг натижаси сифатида на-моён бўлмоқда.

Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида фақат битта мақсад — Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатини кўзлаб иш тутганлигини қайд этиш жоиз. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон ўзининг миллий манфаатларига мос келадиган барча мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик қилиб келди. Айни пайтда халқаро ҳаётнинг муайян принципиал масалалари бўйича ёндашувларда тафовут бўлган давлатлар билан ҳам очиқ мулоқот олиб борганинги қайд этиш мумкин.

Ўзбекистон раҳбарияти халқаро муносабатларни мафкуралаштиришга бўлган ҳар қандай уринишга қатъий қарши туриб келди. Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, бу минтақани барқарор хавфсизлик худудига айлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим устувор йўналиши этиб белгиланган.

Ўзбекистон интеграция жараёнлари ва бозор ислоҳотларини ривожлантиришга, Марказий Осиё минтақасида умумий бозорни шакллантиришга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Бу борада халқимиз асрлар давомида шаклланган «Қўшнинг тинч — сен тинч» деган ҳаётий нақлга доимо амал қилиб келмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Марказий Осиё Ҳамкорлиги Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлигимиз минтақада хавфсизлик, тинчлик ва барқарор ривожланишни таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ўзбекистон ташқи сиёсат соҳасидаги вазифаларни ҳал этишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги ҳам-

корликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади. Шу билан бирга, жаҳон майдонида ҳалқаро ҳавфсизлик масаласи билан боғлиқ мутлақо янги тенденция ва вазиятлар, шунингдек, янги таҳдидларнинг пайдо бўлиши, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилмаларини, биринчи навбатда, унинг етакчи органи — Ҳавфсизлик Кенгашини ислоҳ қилиш ва таркибини қайта кўриб чиқишини тезлаштиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Европа қитъасидаги Европада Ҳавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Европа Иттифоқи ва НАТО каби муҳим тузилмалар билан юртимизда демократик ва бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, мамлакатимизда ва умуман минтақада ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида ҳамкорликни мустақкамлашдан манфаатдордир. Ҳалқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки ва бошқа йирик, нуфузли ҳалқаро молия ва иқтисодиёт тузилмалари ҳамда ташкилотлари билан ҳамкорлик келгусида ҳам ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бўлиб қолмоқда. Юртимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотлар жараённида ушбу ташкилотларнинг роли ва ўрни бениҳоя катта.

Ўзбекистон жаҳондаги йирик, ҳалқаро майдонда етакчи ўрин тутадиган давлатлар — АҚШ, Россия, Япония, Хитой, Германия, Франция ва Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатлари билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор беради. Мамлакатимиз Жанубий Корея Республикаси, Бразилия, Ҳиндистон, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё, Яқин Шарқ ва Араб Шарқининг қўплаб мамлакатлари билан яқин муносабатлар ўрнатган.

Бугунги кунда ҳалқаро терроризм, экстремизм ва радиокализмга қарши кураш дунё мамлакатларини бирлаштирадиган асосий омил бўлиб қолмоқда. XXI аср вабоси бўлган ушбу иллатга қарши жаҳон ҳамжамиятининг муросасиз курашини Ўзбекистон тўла қўллаб-қувватламоқда, Марказий Осиё нафақат ядервий, балки ҳар қандай бошқа оммавий

қирғин куроллари, чунончи, биологик ва кимёвий қуроллардан ҳам холи ҳудудга айланишига, айниқса, халқаро тероризм бундай қуролларга эга бўлишга интилаётган бугунги кунда бу масала янада долзарб аҳамият касб этаётганлигига жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини тортиб келмоқда.

2001 йил сентябрь воқеаларидан сўнг АҚШ ва унинг бир қатор иттифоқчи давлатлари томонидан Афғонистонда аксилтеррор компанияси амалга оширилди. Мазкур вазиятга нисбатан Ўзбекистон ўзининг қатъий позициясини баён этди ҳамда Марказий Осиё давлатлари орасида бу ташаббусни биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Афғонистонни қайта тиклашиш жараёнида фаол иштирок этиш билан бирга қўшни Афғонистонга гуманитар ёрдам бериш, мамлакат транспорт инфратузилмасини, жумладан, йўллар, кўприкларни қайта тиклаш ҳақида, таълим ва маъориф соҳасида, қурилиш ва ободончилик борасида ўзаро ҳамкорлик олиб бормоқда.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлисизлигини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган миллий армиямизни барпо этиш бўйича қўлами ва моҳиятига кўра улкан ишлар тизимли равишда ва босқичма-босқич амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш керак.

Армияни ислоҳ қилишнинг ҳар томонлама пухта ўйланган дастурига мувофиқ, мамлакатимиз хавфсизлигига қарши қаратилган ташқи ва ички таҳдид ва хатарларни чуқур ўрганиш асосида Қуролли Кучларни қуриш ва бошқаришнинг мутлақо янги тизими шакллантирилди. Ҳарбий округлар, чегара ҳудудларининг тузилиши, ҳарбий операциялар олиб бориладиган энг муҳим йўналишларда жанговар қўшин гуруҳларининг ташкил этилиши, ўз таркибида энг муҳим ҳарбий тузилмаларни бирлаштирган Қуролли Кучлар Бирлашган штабининг шакллантирилиши мамлакатимизда ягона мақсад ва вазифалар негизида узвий боғ-

ланган ишончли мудофаа тизимини яратиш имконини берди.

Шу йиллар мобайнида сержант ва офицер кадрларни профессионал асосда тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида кўп ишлар қилинди. Бугунги кунда сержантларнинг қариб уйдан икки қисми замонавий ўқув базасига эга булган, салоҳияти тобора ортиб бораётган сержантлар тайёрлаш мактабларида таълим олганини қайд этиш лозим. Куролли Кучларда хизмат қилаётган сержантлар шахсий таркибининг юксак жанговар ва сиёсий тайёргарлигини таъминлаш ҳарбий қисм ва бўлинмаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни, ҳарбий тартиб-интизомни сақлашнинг муҳим омилига, армиянинг асосий ўзагига айланди.

Айниқса, армияни қурол-яроф ва техника билан таъминлаш, қўшинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оиласлари учун ижтимоий-маиший шароитларни яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, биргина 2008 йилнинг ўзида ҳарбий хизматчиларнинг иш ҳақи ўртача 51 фойзга оширилди. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар учун ишга жойлашиш ва олий ўқув юртларида ўқишига кириш бўйича қатор имтиёзлар тизими белгиланди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз олий ўқув юртларида армия сафларида мардлик ва жасорат мактабини ўтаган, жанговар ҳамда сиёсий тайёргарликда юксак натижаларга эришган 22 минг нафардан зиёд ёшларимиз таълим олмоқда.

Бир сўз билан айтганда миллий мудофаани барпо этиш соҳасидаги чукур тизимли ўзгаришлар натижасида армиямизнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлик даражаси ва қурати сезиларли равишда ошди, жамиятимизда, давлатимизда ҳарбий хизматнинг нуфузи, Куролли Кучларнинг ўрни ва аҳамияти янги босқичга кўтарилди.

Ҳарбий қурилиш соҳасида жаҳондаги энг замонавий тажрибаларни ўзида мужассам этган ва айни вақтда миллий анъаналарни кўз қорачигидек асраб-авайлаб келаётган армия мамлакат хавфсизлиги, халқнинг тинч меҳнати ва осоишишта ҳаётини, демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик

жамияти барпо этиш йўлидан изчил тарақкий этишини таъминлашнинг ишончли кафолатига айланди.

II. ИҚТИСОДИЙ СОҲАДАГИ ЮТУҚЛАР

Бизнинг демократик жамият қуришдан кўзлаган мақсадимиз юртимизда яшайдиган барча инсонлар учун миллати, тили ва динидан қатъи назар, муносиб ҳаёт шароити яратиб бериш, ривожланган демократик мамлакатлардаги каби кафолатланган юқори ва янги сифатдаги турмуш даражаси ва эркинликларни таъминлашдан иборатdir. Бундай стратегик мақсадни амалга оширишнинг иқтисодий асоси бўлиб ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ҳисобланади. Шу боисдан ҳам демократик жамият қуришга қаратилган кенг қамровли туб ислоҳотларнинг муҳим жабхаларидан бири ижтимоий бозор иқтисодиётини яратишга йўналтирилган иқтисодий ислоҳотлардир. Иқтисодий ислоҳотлар жамиятимизнинг сиёсий, ижтимоий, маънавий ҳамда давлат қурилиши соҳаларида туб ислоҳотлар билан узвий боғлиқликда амалга оширилмоқда.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг назарий асослари, стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари, муаммолари ва уларнинг ҳал этилиш йўллари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиколол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон келажаги буюк давлат», «Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий таъмойиллари», «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори», «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда», «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз», «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакл-

лантиришнинг асосий йўналишлари», «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» ва бошқа асар ҳамда маърузаларида ишлаб чиқилган.

Юртбошимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда ёзган асар ва қилган нутқларидаёқ бозор иқтисодиётiga ўтишдан мақсадни аниқ белгилаб берган. Хусусан, 1992 йил 2 ва 3 июля XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида қилган нутқида Президент Ислом Каримов «Бозор муносабатларига ўтиш — кўр-кўронга мақсад эмас, балки иқтисодни ўнглаш, жамиятни янгилаш йўли. Демократик давлат қурмоқчи эканмиз, энг аввал, ижтимоий адолат принципларига содик бўлиб қолишимиз керак. Агар бозор етим-есирларнинг, қариялар ва камбағал-ночор одамларнинг кўз ёши эвазига қуриладиган бўлса, бунақа бозорнинг уйи куйсин»¹, — деб таъкидлаган эди. Бу билан бозор иқтисодиётiga ўтиш даврида ўтмиш маданияти ва қадриятларни тиклаш, етим-есир, қария ва камбағал, кам таъминланган аҳоли қатламларини ҳимоя қилиш, қуллаб-қувватлаш, кишиларни руҳан ва маънавий жиҳатдан юксалтириш каби вазифаларни ўз олдимизга олий мақсад қилиб қўйганлигимизни курсатиб берди. Шу боисдан ҳам Юртбошимиз ўша асарида «Бозор иқтисодиёти деб инсон маънавиятини унутиш гуноҳ бўлади. Нуқул пул ва фойда кетидан қувсак-да, аммо одамларимиз руҳан қашшоқ бўлиб қолишса — бундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ»², — деб қайд этган эди. Мустақилликка эришган давлатнинг янги жамият қуриш, унинг иқтисодий асоси бўлган бозор иқтисодиётiga ўтиш дастурининг ишлаб чиқилганлигини Юртбошимиз ушбу нутқида «Бугун СССР йўқ. Унинг ўрнига навқирон миллий давлатлар дунёга келди. Афсуски, ўша пайтда тузилган дастурни икки қуллаб тасдиқлаган айрим биродарларимиз, бугун Каримовнинг

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. — Т. 1. — Т.: Ўзбекистон, 1996. — Б. 26.

² Ўша сарда. — Б. 26.

аниқ дастури йўқ, деб жар солишдан уялишмаяпти. Менинг жавобим битта: Ўзбекистоннинг ўз дастури бор»¹, — деб жавоб берди. Бу дастурнинг эскиларидан фарқи, биринчидан унда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўлиқ, акс этганлигига, иккинчидан, бу дастур хоммаёл гаплардан эмас, балки жамият тараққиётининг устувор йўналишлари хусусида эканлиги ушбу нутқда асослаб берилган. Бу устувор йўналишлар қўйидагилардан иборат қилиб белгиланди:

1) иқтисодий сиёsatда деҳқончилик, умуман, қишлоқ хўжалиги етакчи тармоқ ҳисобланади;

2) рубль амал қиласидиган шароитда истеъмол бозорини химоя этиш, давлат мустақиллигининг асосий белгиси ҳисобланадиган миллий валютага ўтиш;

3) бозор инфраструктурасини шакллантириш, аввало, майший ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш ҳамда савдо соҳасидан бошланиб, аста-секин банкларни, биржаларни, аудиторлик фирмалари, суғурта компанияларини қамраб олиши;

4) иқтисодни жонлантириш учун корхоналарни хусусийлаштириш ишига жиддий киришиш;

5) иқтисодни тўғри йўлга солишда ишлаб чиқарувчининг истеъмолчига нисбатан зўравонлигини тугатиш учун монополизмга қарши чоралар белгилаш ва эркин рақобат шарт-шароитларини яратиш. Юртбошимиз ушбу нутқида олдимизда турган вазифаларни амалга ошириш учун давлатнинг хўжалик ишларига аралашувини камайтириш лозимлигини таъкидлади. Яъни «Яна такрор айтаман: одамларга, хўжаликларга иқтисодий эркинлик бериш керак. Иқтисодий эркинлик диёримизда тезроқ қарор топсин», — деб бозор муносабатларига ўтишдан қўзланган мақсаднинг моҳиятини очиб берди.

Юртбошимиз ушбу нутқида иқтисодий ислоҳотларимизнинг бутун дастурида айтиб ўтилган энг асосий устувор

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқбол, иқтисод, сиёsat, мағкура. — Т. 1. — Т.: Ўзбекистон, 1996. — Б. 19.

вазифалар билан бир қаторда, бир қанча узлуксиз устувор йўналишларни аниқ-равshan кўрсатиб берган. Бу узлуксиз устувор йўналишлар қўйидагилардан иборат:

— таълим ва маданиятни ривожлантириш ҳамда ислоҳ қилиш;

— ақлий ва маънавий салоҳиятни мустаҳкамлаш;

— аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш.

И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг стратегик мақсадлари ва амалга оширишнинг устувор вазифалари ишлаб чиқилган.

Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг пировард мақсадини белгилаб олиш иқтисодиётни ислоҳ қилиш стратегиясининг бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қиласди. Мазкур асарда Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ қилиш соҳасидаги қўйидаги стратегик мақсадлар моҳияти очиб берилган:

1. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, қудратли ва тинимсиз ривожланиб борадиган, миллий бойликнинг ортишини, кишилар ҳаёти ва фаолияти учун зарур шарт-шароитларни тъминлайдиган иқтисодий тизимни барпо этиш.

2. Кўп укладли иқтисодиётни яратиш, инсоннинг мулкдан маҳрум бўлишига барҳам бериш, ташаббускорлик ва уддабуронликни бутун чоралар билан ривожлантириш негизи бўлган хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини тъминлаш.

3. Корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, уларнинг хўжалик фаолиятига давлатнинг бевосита аралашувидан воз кечиш, иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усусларини бартараф этиш, иқтисодий омиллар ва рағбатлантириш воситаларидан кенг фойдаланиш.

4. Иқтисодиётда моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни тъминлайдиган чуқур структуравий ўзгаришлар қилиш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиб бориши.

5. Кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзgartариш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шаклларини мустақил белгилаш имконини бериш¹.

Шунингдек, мазкур асарда мамлакатнинг бозор ислоҳотларини амалга ошириш дастури тўғрисида фикр юритилиб, дастур устувор вазифаларни босқичма-босқич ҳал қилинишига асосланишини алоҳида қайд этиб ўтилади.

Бозор иқтисодиётiga ўтишдаги биринчи босқичда икки муҳим вазифани бирданига ҳал этишга тўғри келди:

- маъмурий-буйруқбозлик тизимининг оғир оқибатларини енгиш, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш;
- республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантиришдан иборат.

Ўзбекистонда ушбу вазифаларни ҳал қилишнинг муҳим йўналишларини белгилаб берган асосий устувор йўналишлар қўйидагилардан иборат бўлди:

- ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини шакллантириш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- кичик хусусийлаштиришни амалга ошириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиёт негизларини яратиш;
- ишлаб чиқаришнинг пасайиб боришига барҳам бериш, молиявий аҳволнинг барқарорлашувини таъминлашdir.

Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида муҳим ва устувор йўналишлар сифатида қўйидагилар амалга оширилди:

Молия ва солиқ сиёсати соҳасида:

- қаттиқ молиявий сиёсатни амалга ошириш ва давлат бюджети дефицитини камайтириш;
- бюджет маблағларини даромадларга қараб умумдавлат эҳтиёжлари учунгина бюджетдан маблағ ажратиш;

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. — Т.: Ўзбекистон, 1995. — Б. 18.

- халқ хұжалиғи тармоқлари ва корхоналарни ривожлантириш учун инвестиция кредитларидан кенг фойдалаңыш;
- солиқ тизимини такомиллаштириш ва солиқларнинг рағбатлантирувчилик ролини ошириш.

Кредит-пул сиёсати соҳасида:

- банк тизимини шакллантириш ва хорижий банкларни жалб қилиш учун шароитлар яратиш;
- барқарор пул муюмаласини таъминлаш, кредит ва пул эмиссиясини назорат қилиш;
- миллий пулни муюмалага киритиш.

Нарх-наво бўйича ва пул инфляциясига қарши сиёсат соҳасида:

- нарх белгилаш тизимини тартибга солиш ва нарх ролини мустаҳкамлаш;
- нархларни босқичма-босқич эркинлаштириш;
- жуда тор доирадаги биринчи ҳаётий эҳтиёж, озиковқат маҳсулотлари нархларини бошқаришни вақтингча сақлаб қолиш;
- қишлоқ хұжалик маҳсулотларининг харид нархларини жаҳон даражасига етказиш;
- монополияга қарши чоралар кўриш ва рақобатчиликка шароитлар яратиш.

Иқтисодиёт таркибини ўзгартириш соҳасида:

- ёқилғи-энергетика комплексини жадал суръатлар билан ривожлантириш ва энергетика мустақиллигига эришиш;
- четдан келтириладиган муҳим маҳсулотларга қарамаликни камайтириш чораларини кўриш;
- қишлоқ хұжалик хомашёсинг мұхим турларини қайта ишлаш, түқимачилик, тикувчилик ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш;
- энг мұхим истеъмол молларини ишлаб чиқарадиган тармоқларни жадал ривожлантириш ва ўта камёб товарларни ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни ташкил этиш.

Қишлоқ хұжалиғи соҳасида:

- Қишлоқда хұжалик юритишнинг янги шакларини ва етиштирилаётган маҳсулотнинг тұла ҳуқуқли хұжайинлар

деб ҳис қилдирадиган иқтисодий муносабатларни шакллантириш;

- ер майдонларини фермер (дөхқон) хұжаликларига бериш, шахсий томорқа ерларини кенгайтириш ва ерни мөрс қолдириш ҳуқуқи билан умрбод фойдаланишга бериш;
- әкин майдонларининг оқылона структурасини яратиш ва озиқ-овқат экинларини күпайтириш орқали чуқур силжишларни амалга ошириш;
- қишлоқда қайта ишловчи корхоналарни, касаначилик ва қишлоқ хұжалик ишлаб чиқаришига хизмат күрсатадиган фирмаларни ривожлантириш;
- қишлоқда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктурасини фаол шакллантириш.

Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида:

- ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолиятнинг ташкилий структурасини шакллантириш, кадрларни тайёрлаш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни әркинлаштириш;
- товарларни экспорт ва импорт қилишнинг имтиёзли тартибини жорий қилиш ва нотариф услублар орқали тартибга солинадиган товарлар рўйхатини қисқартириш;
- экспорт ва импорт таркибини такомиллаштириш;
- хорижий инвесторлар учун имтиёзлар тизимини вужудга келтириш ва инвестиция фаолиятини рафбатлантириш;
- хорижий кредитлар ва инвестицияларни биринчи навбатда керакли, устувор тармоқларга жалб қилиш;
- ташқи иқтисодий фаолият инфраструктурасини ривожлантириш.

Иқтисодий ислоҳотлар стратегиясини амалга оширишда ҳамма босқичларда долзарб аҳамиятга эга умумий устуворлик бўлмиш аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги чоратадбирлар қўйидагилардан ташкил топади:

- ижтимоий адолат қоидаларини мустаҳкамлаш ва аҳолининг муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоялашнинг кучли воситасини яратиш;
- ижтимоий ёрдамни аҳолининг реал даромадлари билан боғлаш асосида унинг таъсирчанлигини ошириш;

- аҳолини ижтимоий ҳимоялашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла қўмиталари ролини ошириш;
- меҳнат бозорини тартибга солиш ва иш билан таъминлаш соҳасида фаол сиёsat юритиши.

Шунингдек, бошқа умумий устуворликлар таълим ва маданиятни ривожлантириш ҳамда ислоҳ қилиш, ақлий ва маънавий салоҳиятни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш бозор иқтисодиёти ва муносабатлари амал қилишининг зарур шартидир. Бозор иқтисодиётининг энг муҳим тамойиллари тўлиқ амал қилиши учун ҳам иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш тақозо этилади. Бозор иқтисодиёти бир қатор муҳим сифат белгиларига эга. Улардан энг асосийси — бу товар ишлаб чиқарувчи нимани ишлаб чиқаришни, бунинг учун қандай технологиядан фойдаланишни ва, ниҳоят, кимга сотишни ўзи мустақил равищда белгилаши лозим. Шунингдек, яратилган маҳсулот ёки хизмат турини танлаш, харид қилиш ёхуд хизмат қилиш ёки қилмаслигини харидор ҳам ихтиёрий ва мустақил равищда ўзи белгилайди. Шу боисдан бозорга чиқарилган товарни олди-сотди қилиш сотувчи билан харидорнинг эркин ва ихтиёрий муносабатига асосланади, уни чеклаш ва тақиқлаш ўринсиздир.

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш бозор иқтисодий қонунларининг, иқтисодий фаолият ва танлаш эркинликларининг амал қилишлари учун шарт-шароитлар яратиш орқали хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, уларнинг хўжалик фаолиятига давлатнинг аралашувини зарурат даражасида чеклашни англаради. Эркинлаштириш нафақат бозор муносабатлари субъектларининг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришни, шу билан биргаликда, уларнинг ўз фаолияти учун иқтисодий, молиявий, маъмурий масъулиятини оширишни ҳам ифодалайди.

Республикамида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқариш ва ху-

сусийлаштириш орқали янада эркинлаштиришга йўналтирилгандир. Ўтиш даврида тартибга солинадиган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти босқичма-босқич шакллантирилмоқда. Бунинг оқибатида давлатнинг иқтисодиётдаги улуши камайиб, нодавлат секторининг салмоғи ортиб бормоқда. Аммо ҳали ҳам хусусий мулкдорлар ва тадбиркорлик фаолиятининг эркин ривожланиши учун тўсиқлар, давлатнинг иқтисодиётга маъмурий йўл билан аралашувининг кўлами кенгроқдир. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов биринчи чақирик Олий Мажлиснинг XIV сессиясида қилган «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» мавзусидаги маърузасида иқтисодий ҳаётни янада эркинлаштириш вазифасини қўйиши бејиз эмас.

Яқин келажакда иқтисодиёт соҳасини янада эркинлаштиришдан мақсад, Юртбошимиз таъкидлаганидек, «биринчи навбатда давлатнинг бошқарув ролини чегара-лаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва хуқуқларини мустаҳкамлаш демакдир». Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш учун қўйидаги вазифалар қўйилди:

- биринчидан, мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини тубдан ҳал этиш. Бунинг учун хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш;
- иккинчидан, ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш;
- учинчидан, бозор инфратузилмасини ривожлантириш;
- тўртинчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш;
- бешинчидан, валюта тизими ва бозорини эркинлаштириш;
- олтинчидан, давлат ва турли текширувчи, назорат қилувчи органлар томонидан корхоналарнинг хўжалик фаолиятига ноурин аралашишини ческлаш.

Иқтисодиётни эркинлаштириш мақсадида кичик бизнес, тадбиркорликни ривожлантириш, мулкдорлар синфи ни шакллантириш, рақобат муҳитини вужудга келтириш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш, молия ва банк тизими фаолиятини такомиллаштириш, валюта тизими ҳамда бозорини эркинлаштириш, ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг бутун тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш ва ниҳоят, хорижий сармояларни жалб этиш бўйича рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирларининг амалга оширилиши оқибатида яқин келажакда иқтисодий ўсишни таъминлайдиган ижтимоий-иктисодий шароит яратилди¹.

Ўзбекистонда амалга оширилган сиёsat натижасида ислоҳотларнинг биринчи босқичида 1990 йилга нисбатан иқтисодий пасайиш бошқа МДҲ мамлакатлариdek оғир кечмади. Ялпи ички маҳсулот 1995 йилда 1990 йилга нисбатан фақат 18,2 фоизга камайди². Макроиктисодий барқарорлаштириш сиёsatининг асоси сифатида қаттиқ монетар ёндашувни қабул қилган бошқа МДҲ мамлакатларида ЯИМ ҳажми 40—60%, шу жумладан, Россияда 48%, Қозогистон ва Украинада 55 фоизгача, Молдовада 2 баравардан зиёдга пасайиб кетди.

Ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиши 1996 йилда 1,7 фоиз, 1997 йилда 5,2 фоиз, 1998 ва 1999 йилларда 4,4 фоиз, 2000 йилда 4,0 фоиз, 2001 ва 2002 йилларда 4,2 фоиз, 2003 йилда 4,4 фоиз, 2004 йилда 7,7 фоиз, 2005 йилда 7,0 фоиз, 2006 йилда 7,3 фоиз, 2007 йилда 9,5 фоизни ташкил этди. Шу йилларда инфляция даражаси ҳам пасайиб борди. Ургача йиллик инфляция 1996 йилда 64,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2000 йилда 28,2 фоиз, 2002 йилда 21,6 фоиз, 2003 йилда 3,8 фоиз, 2004 йилда 3,7 фоизга пасайди, 2005 йилда 7,8 фоиз, 2006 ва 2007 йилларда 6,8 фоизга тўғри келди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Тошкент: Ўзбекистон, 1999. — Б. 32—36.

² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Президент И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидағи маъруzasида «Шуниси муҳимки, Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор үсиш суръатлари жаҳон бозорида нефть ва газ нархи ошиб бораётган бир шароитда қатор мамлакатларда кузатилаётган ҳолатдан тубдан фарқ қиласди. Яъни, бизнинг иқтисодий ривожланишимиз экстенсив үсиш ва фақат углеводород хомашёсини зўр бериб тұхтосиз қазиб олиш эвазига булаётгани йўқ. Аксинча, биз аниқ мақсадга қаратилган бозор ислоҳотларини, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, тармоқ ва корхоналарни янгилаш, техник қайта жиҳозлаш, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан иқтисодий тараққиётга эришмоқдамиз»¹, — деб таъкидлади. Юртбoshимиз айниқса, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг ғоят муҳим аҳамият касб этаётганини уқтириб үтди. Давлатнинг таркибий сиёсатини ўтказиши оқибатида ҳам мустақиллик йилларида ялпи ички маҳсулот таркибida саноатнинг улуши 11 фоиздан 24 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши эса 18 фоиздан 42 фоизга ёки 2 баробардан зиёдга ошиди.

Иқтисодиётда молиявий барқарорликни таъминлаш сиёсати ўтказилмоқда. Бунинг натижасида 1998 йилда бюджет камомади ЯИМга нисбатан 2,3 фоиздан 2004 йилда 1 фоизгача камайди. 2005 йилда бюджет ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1%, 2006 йилда эса 0,5%, 2007 йилда 1,1% профицит билан бажарилди. Тұлов балансининг барқарорлигига эришилди. Шу билан бирга, фаол экспорт сиёсатининг амалга оширилиши натижасида ташки савдо айланмасининг ижобий сальдоси 1998 йилда 239,5 млн., 2002 йилда 276,4 млн., 2003 йилда 760,8 млн., 2004 йилда 1 млрд.,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. — Т.: Ўзбекистон, 2007. — Б. 37—38.

2005 йилда 1,3 млрд., 2006 йилда 1988,2 млн., 2007 йилда эса 3755,9 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Эндиликда, ташқи савдо таркиби ҳам яхшиланиб бормоқда. Масалан, 1992 йилда экспорт таркибидаги пахта толасининг улуши 49 фоизни ташкил этган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 12,5 фоизгача камайди. Шу билан бирга, экспорт таркибидаги тайёр маҳсулотлар ва хизматлар улуши 2007 йилда 53 фоиздан ошди. Импорт таркибидаги машина ва ускуналар улуши 1992 йилдаги 12 фоиздан 2007 йилда 46,6 фоизга етди.

Мамлакатимизда иқтисодий ўсиш суръатига солик юкининг босқичма-босқич пасайтирилиб борилиши ижобий таъсир кўрсатди. 1998—2007 йилларда йиғма бюджет даромадлари бўйича ҳисобланган солик юки 39,0 фоиздан 31 фоизга, давлат бюджети даромадлари бўйича ЯИМга нисбатан эса 32,2 фоиздан 21,4 фоизга камайди. Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиги ставкаси 2002 йилдаги 24 фоиздан 2007 йилда 10 фоизга, ягона ижтимоий толов 40 фоиздан 24 фоизга, кичик корхоналар ва микрофирмалардан олинадиган ягона солик толови (бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар билан бирга) 12,2 фоиздан 10 фоизга пасайтирилди.

Жисмоний шахсларнинг даромад солиги ставкалари ҳам пасайтириб борилмоқда. Масалан, 2002 йилда энг кам иш ҳақининг 4 бараваригача солик ставкаси 13%, 4—8-бараваригача 23%, 8 бараваридан юқорисига 33% солик ставкаси белгиланган эди. 2007 йилда эса энг кам иш ҳақининг 5 бараваригача 13%, 5—10 бараварига 18%, 10 бараваридан юқорисига 25% солик ставкаси белгиланди.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек «... биз бугунги кунда бутун дунёда ўзбек модели сифатида тан олинган тараққиёт моделинин ишлаб чиқдик. Бу моделнинг асосий тамойиллари — яъни, иқтисоднинг сиёсатдан холи экани, давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат, ислоҳотларни тадрижий асос-

да босқичма-босқич амалга ошириш принциплари барчамизга яхши аён»¹.

Иқтисодиётта таркибий ўзгаришларни давом эттириш, уларни янги йўналишга ўтказиш дастурлари, чора-тадбирларини ишлаб чиқиш амалга оширилмоқда. Ушбу чукур таркибий ўзгаришиш дастурларини 2005—2010 йилларда муваффақиятли амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг барқарор иқтисодий ўсишини, аҳоли фаровонлигининг кескин ўсишини, жаҳон иқтисодий тизимида ўзига муносиб ўринни эгаллашини таъминлайди.

Ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ЯИМда саноат улушкини ошириш, устуворликни хомашё ишлаб чиқаришдан юқори қўшимча қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказиш, тайёр маҳсулотларнинг ички ва ташки бозорларда ракобатбардошлик даражасини ошириш, аҳоли яшаш жойларида, аввало қишлоқ жойларда ҳам, асосан кўп меҳнат талаб қилувчи саноат тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилган.

Иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим шарти бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муттасил ривожланиш даврига кирди. Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 1991 йилда атиги 1,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2000 йилда 31,5 фоизга, 2008 йил 1 январ ҳолатига кўра 45,7 фоизга етди.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Сабаби аграр сектор ҳиссасига ялпи ички маҳсулотнинг 24 фоизидан кўпроғининг тўғри келиши, халқ хўжалигига банд бўлганларнинг 37 фоизга яқини ва барча аҳолининг 60 фоизининг қишлоқда яшашидир. Қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш билан боғлиқ тармоқларнинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўйнаётган муҳим роли, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: Маънавият, 2008.

ташқи бозорларда сотиш ҳисобига мамлакат валюта тушумининг 55 фоизи олинаётганлиги ҳам муҳим омилдир.

Кишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари қуидагилардан иборат бўлди:

Ерга мулкчилик масаласи тубдан ҳал этилди. Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ер хусусий мулк қилиб сотилиши мумкин эмаслиги, балки уни узоқ муддатли ижара шартлари билан топшириш мумкинлиги белгилаб қўйилди. Ерга муносабат масаласини ҳал этишда деҳқоннинг хўжайинлик ҳиссини қайта тиклаш чоратадбирларини ишлаб чиқиши муҳим аҳамият касб этади.

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарор ўсиши фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашга боғлиқ. Чунки фермер хўжалиги хўжалик юритишнинг янги, илгор шакли сифатида хўжаликни мустақил бошқариш ва унинг фаолияти учун тұлиқ иқтисодий жавобгарликка эга.

Фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантириш учун 1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва республикада ишбилармонлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони, 1991 йил 30 декабряда эса Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чоралари ҳақида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга биноан республикамиизда фермер хўжаликларини ташкил этиш учун 200,0 минг гектар маҳсус ер фонди ажратилди.

1998 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилингандан сўнг фермер хўжаликлари мустақил товар хўжалиги сифатида ишлай бошлади.

Фермер хўжаликларини янада ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрда «Фермер хўжаликларини 2004—2006 йилларда ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 октябрдаги «2004—2006

йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу йўналиш фермер хўжаликларини ривожлантириш учун ер-сув муносабатлари ва молия-кредит механизмини такомиллаштириш, фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва сервис ҳамда ҳуқуқий хизматлар соҳасини ривожлантириш, шунингдек, маҳсулот тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш тизимини ҳамда меҳнат муносабатлари ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларини кўзда тулади. Фермер хўжаликларини қўллаб-кувватлаш чора-тадбирларининг амалга оширилиши натижасида уларнинг сони ошиб бормоқда. Хусусан, 2002 йилда 3822 та фермер хўжаликлиари ташкил топган бўлса, 2007 йилда 27,9 мингдан ортиқ фермер хўжаликлиари ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 217,1 мингдан ошиб кетди. Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда га улуши 2003 йилдаги 14,9 фоиздан 2007 йилда 34,7 фоизга ўсади. Пахта хомашёси ишлаб чиқаришда уларнинг улуши 2000 йилда 18,3 фоизга, 2003 йилда 36,9 фоизга, 2007 йилда 98,4 фоизга етди. Бошоқли дон ишлаб чиқаришда фермер хўжаликларининг улуши 2000 йилдаги 14,5 фоиздан 2007 йилда 79,8 фоизга ўсади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рафбатлантириш, хизмат кўрсатиш соҳаси ҳамда касаначиликни ривожлантириш натижасида 2007 йилда 628,9 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди.

Республикамизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар кичик бизнес соҳасига ҳам тааллуқидир. Ўзбекистон ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига илгарилаб боришининг асосларидан бири — кичик бизнес корхоналари тимсолидаги хусусий сектордир. Бинобарин, Президентимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига урғу бериб, кичик ва ўрга бизнес яхши йўлга қўйилса, аҳолини, айниқса, қишлоқ хўжалигидан бўшаган ишли кучларини иш билан таъминлаш, маҳаллий хомашё, деҳқончилик ва қурилиш ресурсларини қайта ишлашни такомиллаштириш, ички истеъмол бозорини халқ истеъмол

молтари ҳамда хизматлар билан таъминлаш каби долзарб муаммоларни бартараф этиш мумкин. Энг муҳими, кичик ва ўрта бизнес воситасида реал мулкдорлар табақасини шакллантириш мумкин бўлади. Шундай қиласлийкки, иқтисодиётимиз тизимида кичик ва ўрта бизнес етакчи кучга айлансин¹, деб таъкидлайди.

Бугунги кунда республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда уларнинг сонини ва ялпи ички маҳсулотдаги улушкини ўстириб бориш масаласи асосий вазифа бўлиб ҳисобланади. Бунда, дастлаб, ушбу соҳани ривожлантириш йўналишларини белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Кичик бизнеснинг республикамиз иқтисодиётидаги айрим жиҳатларини рақамларда кўриб чиқайлик. Агар 1999 йил 1 январь ҳолатига кичик бизнес вакиллари сони ҳаммаси бўлиб 51,8 мингтани ташкил этган бўлса, ўтган 9 йил давомида, яъни 1999—2008 йиллар давомида уларнинг сони қарийб 384,5 мингтага ёки 8,4 марта га кўпайиб, 2008 йил 1 октябрь ҳолатига 436,3 мингтага етган. Бу соҳада меҳнат қилаётганлар сони 2008 йилнинг 1 октябрига келиб иқтисодиётдаги барча бандларнинг 76 фоизини таъминлади. Шу жумладан, фақат 2008 йилнинг ўзида тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига қарийб 661 000 янги ишчи ўринлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллиги-га бағишлиган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида 2009 йилни «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилди. Шу йиғилишда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиши сабаблари ва мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири ҳақида биринчи бор тұхталиб ўтди. Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» асарида асосий чора-тадбирлар, жумла-

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т. 7. — Т.: Ўзбекистон, 1999.

дан мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилиши лозим бўлган масалалар белгилаб берилди. Алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган навбатдаги энг муҳим устувор вазифа — қишлоқ аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир, деб алоҳида таъкидланди¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 11 декабрдаги ПФ-4023-сон фармойиши доирасида 2009 йил — «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини амалга оширишнинг ташкилий чоралари ишлаб чиқилди. Мазкур йўналишлар бўйича чора-тадбирларни изчил ва тизимли амалга ошириш мақсадида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ишлаб чиқилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1046 сонли Қарори асосида кучга киритилди. Дастурда ўтказиладиган чора-тадбирлар, бажарилиш муддатлари, харажатлар ва уларни молиялаштириш манбалари, чора-тадбирларни амалга ошириш шакллари, механизmlари ва кутиладиган натижалар тўлиқ ўз ифодасини топган. Дастур асосий йўналишлари 9 та бўлим, 105 та бандда ўз ифодасини топган. Ушбу давлат дастурида мамлакат қишлоқ хўжалигининг муҳим ривожланиш йўналишлари, конкрет параметрлари ва молиявий манбалари аниқ белгилаб қўйилган. Таъкидлаб ўтиш лозимки, бу устувор йўналиш ва уни амалга ошириш дастури нафақат

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Т.: Ўзбекистон, 2009.

2009 йил, балки ўрта муддатли истиқбол учун белгилаб олинган¹.

Кишлоқларимиз қиёфасини, қишлоқда ҳаёт сифатини, ишлаб чиқариш муносабатларининг мазмун-моҳиятини ўзгартиришга, агросаноат мажмуида олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришга, охир-оқибатда қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-сиёсий ва маданий савиёсини, унинг онги ва фуқаролик масъулиятини оширишга қаратилган, биз учун ўта долзарб аҳамиятга эга бўлган ушбу давлат дастурини бажарап эканмиз, 2009 йилдаги бош вазифа уни амалга ошириш бўйича истиқболдаги барча ишларни мустаҳкам ташкилий асосга қўйишдан иборатdir.

Маълумки, йирик ривожланган давлатларда узоқ йиллардан бўён муттасил давлат бюджети тақчиллиги кузатилгани ва уларнинг салбий ташқи савдо балансига эга эканлиги, давлат ташқи қарзининг миқдори ялпи ички маҳсулотга нисбатан юқори бўлаётгани, ривожланган мамлакатларда қайта молиялаш ставкасининг паст даражада ушлаб турилиши оқибатида жаҳон капитал бозорида арzon кредитларнинг вужудга келиши, ипотека кредитлари бериш талабларининг асоссиз равишда бўшаштириб юборилганлиги, молиявий институтларнинг ўз маблағлари ва қарз мажбуриятлари ўртасидаги нисбатнинг кескин бузилиши, жаҳон иқтисодиётидаги реал ва молиявий сектор ўртасидаги нисбатнинг кескин ўзгариши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози келиб чиқишига сабаб бўлди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг миқёси, кўлами ва оқибатлари, авваламбор, муайян мамлакатнинг молия-валюта тизими қай даражада ривожланганлиги, миллий кредит институтларининг капиталлашуви ва ликвидлилиги (тўлов имконига) ҳамда уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига нечоғлиқ қарам эканлигига, мамлакатнинг олтин-валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти, мамлакат иқтисодиётини

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Узбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралири. — Т.: Узбекистон, 2009.

нинг барқарорлиги, диверсификация ва рақобатбардошлилик даражаси каби омилларга боғлиқдир. Бундай омиллар турли мамлакатларда турлича таъсир кўрсатиши ва инқизатга қарши чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишида булар эътиборга олиниши зарур. Айни пайтда инқизордан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигига, уларнинг ўзаро ўйғунылигига боғлиқдир.

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иктисодий инқизорзи дунёдаги барча давлатларга ўз таъсирини кўрсатмоқда ва оқибати салбий тус олмоқда. Мамлакатимизда унинг таъсирини бартараф этиш мақсадида Юргашимиз томонидан 2008 йилнинг 28 нояброда «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-куватлаш, барқарор ишлшини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4058-сонли Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонга мувофиқ жаҳон молиявий-иктисодий инқизорзининг салбий оқибатларини республика иқтисодиёти реал сектори корхоналарига таъсирини камайтириш, уларнинг барқарор ва мутаносиб равишда ўсишини таъминлаш, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, модернизация жараёнларини янада чукурлаштириш, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва барқарор ишлшини таъминлаш борасида бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иктисодий инқизорзи ҳисобга олинган ҳолда, 2008 йилнинг нояброда ёки Инқизатга қарши чоралар дастурини амалга ошириш бошланди. Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатбардошлигини қўллаб-куватлаш, қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини пасайтириш, электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришда энергия истеъмолини камайтириш, ички бозорда талабни рағбат-

лантириш ушбу дастурнинг асосий йўналишлари ҳисобла-
нади.

Хукуматимиз томонидан жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг таъсирини бартараф этиш бўйича 2009—2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури қабул қилинди ва бу 2009 йилни ижтимоий-иктисодий ри-
вожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаси қилиб бел-
гиланди. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мак-
роиктисодий барқарорлик, ишлаб чиқаришнинг изчил ва
мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш, жалб этилаётган
инвестицияларни кўпайтириш ҳисобидан таркибий ўзга-
ришларни қатъий давом эттириш, иктисодиётнинг етакчи
тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш — биз учун
бош вазифа бўлиб қолади. Ишлаб чиқаришни модерниза-
ция қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича муҳим
вазифаларни бажариш иктисодий сиёсатимизнинг ҳал қилув-
чи йўналиши сифатида катта ўрин эгаллади. Барчамиз бу
ўткир ҳақиқатни яхши англаб олмоқдамиз. Жаҳон бозорида
ракёбат тобора кескинлашиб бораётган ҳозирги шароитда
мавжуд корхоналарни реконструкция қилмасдан, замона-
вий, илфор ва юксак технологик ускуналар билан жиҳоз-
ланган корхоналар ташкил этмасдан туриб, ишлаб чиқари-
лаётган маҳсулотларни мунтазам янгила масдан туриб икти-
содиётимиз келажагини, бинобарин, аҳоли фаровонлигини
юксалтиришни таъминлаш мумкин эмас.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йилда чоп этилган жаҳон
молиявий-иктисодий инқирозининг салбий оқибатларини
олдини олиш ва республикамиз иктисодиётига таъсирини
камайтиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берувчи
«Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шаро-
итида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли
асари бугун бутун дунёда катта қизиқишига сабаб бўлди. Ушбу
рисолада жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг келиб
чиқиш сабаблари, оқибатлари, унинг Ўзбекистон иктисо-
диётига таъсири ва ушбу салбий таъсирни мамлакатимиз
шароитида бартараф этишнинг йўллари ва чоралари аниқ
белгилаб берилган.

III. ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ ЎЗГАРИШЛАРИ

Ўзбекистон мустақил тараққиёт ва истиқлол йўлида, янги жамият, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида қанча кўп тажрибага эга бўлаётган экан, илгари учрамаган оғир, ўта мурраккаб синов ва ҳаёт тўфонларини енгиб, янги марраларни қўлга киритиб эзгу орзу-ниятлар сари қадам қўяётган экан, ҳеч шубҳасиз ўзбек халқи учун муқаддас ва азиз ёлмиши ўзбекистон заминидаги яшаётган ва меҳнат қилаётган инсонлар учун муҳим бир ҳақиқат тобора аниқ ва равшан бўлиб бормоқда. Бу ўзбекистоннинг ер юзида бақувват асосларга эга бўлган забардаст давлат бўла олишига мустаҳкам ишончdir. Мамлакатимизнинг узоқ ва давомли манфаатлари тақозо этган ҳолатлардан ва кескин вазиятлардан чиқиши, улар туғдирадиган муаммоларни ҳал этиш зарур бўлганда иқтисодиётда давлат томонидан бошқарув усуллари қўлланди ва бундай ёндашув охир-оқибатда ўзини тўла оқлади. Республикаиз танлаган тараққиёт модели бўйича амалга оширилаётган пухта ўйланган сиёsat бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Мамлакатимиз тараққиёти учун XXI асрдан бошлаб ижтимоий-маданий соҳада амалга оширилган ишлар тараққиёт учун қанчалар катта меҳнат ва куч сарфланаётгани, диққат ва эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

2000 йил маълумки «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинди. Бундан кўзланган асосий мақсад барчамизнинг таянчимиз ва суюнчимиз бўлган фарзандларимизни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол, эл-юрт учун чин дилдан қайғуриб яшайдиган инсонлар қилиб тарбиялаш, миллатимиз, халқимиз тақдири ва келажагига дахлдор бўлган бу муҳим масалага масъулият ҳиссини шакллантиришдан иборат эди. Ана шу эзгу мақсадларга эришиш, бу соҳадаги ишларни қатъий режа асосида амалга ошириш учун маҳсус Давлат дастури қабул қилинган эди.

Айниқса, дастурда белгиланган биринчи йўналиш — соғлом оилани шакллантириш ва оиласда юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун зарур шарт-шароит

яратиш юзасидан қилингандык ишларни алоҳида таъкидлаш даркор. Шу муносабат билан «Оналик мактаби», «Тиббий ишлар асоси», «Балофат даври» каби бир қанча дастурлар ҳаётта жорий этилди. Шунингдек, «Оила кодекси»га биноан никоҳ қуришдан олдин ёшларни тиббий қўрикдан ўтказиш, ёш оиласар учун дастлабки, беш йил мобайнида диспансер назоратини ташкил этиш ишлари йўлга қўйилиб, бунга 170 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Ҳар бир шаҳар ва тумандаги никоҳни қайд этиш бўлимлари қошида ёшларга оила, унинг муқаддаслиги, масъулияти, фарзанд тарбияси каби ўта муҳим масалалар тўғрисида зарур маълумот ва сабоқ берадиган «Оила дорил-фунунлари» очилгани, ўша даврда қисқа вақт ичida уларда 20 мингдан зиёд йигит-қиз қатнашгани эътиборга молик. Жумладан, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан алоҳида эътибор талаб қиласидан ҳудудларда қарийб 20 минг оила, 30 мингдан зиёд турмуш қураётган йигит-қиз тиббий патронаждан ўтказилди ва уларга ҳомийлик тиббий ёрдами қўрсатилди. 5 миллиондан зиёд фарзанд қўриш ёшидаги аёллар, 6 ёшгача бўлган болаларнинг қарийб 98 фоизи ҳар томонлама тиббий қўрикдан ўтказилиб, даволанишга муҳтож бўлганлари диспансер назоратига олинди ва уларни соғломлаштириш ишлари давомли анъанага айлантирилди. Ушбу жамғарма орқали 6 миллион АҚШ доллари миқдоридаги мурувват ёрдамининг туғруқхоналар ва болалар тиббий муассасаларини энг замонавий асбоб-ускуналар, дори-дармонлар билан узлуксиз таъминлашга қаратилгани ҳам соғлом зурриётни дунёга келтириш борасидаги муҳим қадам бўлди. Шу билан бирга, Республика гинекология-акушерлик илмий-тадқиқот институтининг Жиззах, Нукус, Қарши ва Наманган шаҳар бўлимлари ташкил этилди. Шунингдек, Тошкент, Андижон, Нукус, Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Термиз каби қатор шаҳарларда энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган «Она ва бола скрининги» тиббий марказлари ишлай бошлиди. Бу дастурни беш йил давомида амалга ошириш мўлжалланган бўлса-да, фақат шу йилнинг ўзидаёқ унга 440

минг АҚШ доллари сарфланди. Соғлом авлод дастурининг бошқа йұналишларида ҳам, шу жумладан болалар саломатигини мустаҳкамлаш, уларнинг таълим олиши, ҳар томонлама камол топиши, туғма касалликларга дучор бұлған ногиронларга ҳар томонлама ёрдам бериш бүйича ҳам мүайян ишлар қилинди. Тошкент шаҳрида лойиҳа қиймати 12 миллион АҚШ долларига тенг бұлған «SOS — Ўзбекистон болалар маҳалласи» бунёд этилди.

Мамлакатимизда ҳар йили илк бор мактаб остонасига қадам құядыган 600 мингдан зиёд үғил-қызларимизни дарсліклар ва бошқа үқув қуроллари билан бепул таъминлаш яхши анъанага айланди. 2000 йилнинг үзіда умумтағым мактабларининг бириңчи синф үқувчиларини, «Мехрибонлик уйлари», мактаб-интернатлар ва ногирон болалар учун ихтисослаштирилған үқув масканлари тарбияла-нувшайларини 11 турдаги дарслік, үқув анжомлари билан таъминлашта 2 миллиард 508 миллион сүмдан зиёд маблағ сарфланди.

Замонавий лицей ва коллежлар барпо этиш, жисмоний тарбия ва спорт мусобақалари уюштириш каби ишларнинг давом эттирилиши соғлом авлод йили дастурининг таркибий қисми бўлиб қолди.

Соғлом авлод дастурида белгиланған тадбирларни амалга ошириш натижасида, кенг жамоатчилик онгода, халқимиз дунёқарашида соғлом авлод масаласига бұлған муносабат тубдан үзгарди.

«Оналар ва болалар» йили деб эълон қилинган 2001 йил «Соғлом авлод йили»нинг мантиқий давоми бўлди. Бу соҳада амалга оширилған ишларнинг ижобий таъсири юртдошларимиз тақдирида, ҳар бир оила, ҳар бир хонадон ҳаётида сезилиши мазкур йил бүйича тузилған дастурнинг диққат марказида турди.

Ушбу дастурни амалга ошириш жараённанда юртимиздаги аёлларнинг 90 фоизи тиббий профилактик күриқдан, 580 мингдан ортиқ аёлларимиз «Она ва бола скрининги» марказида профилактик күриқдан үтказилиши, ҳомиладор аёллар ва ҳомиланы турли касалликлардан муҳофаза қилиш,

уларни йод танқислиги ва камқонликка қарши дори-дармона билан бепул таъминлаш, тұрт ёшгача бұлған болаларни сариқ касалиға ва полиомиелитта қарши әмлаш бүйіча амалға оширилған тадбирлар ҳам катта ижобий самара берди. Муреккеб экологик шароитда яшаётган 4 минг 500 нафар хотин-қызлар ва 20 мингдан ортиқ болалар Тошкент, Самарқанд вилоятлари ва Фарғона водийсининг соғломлаштириш оромгоҳларida ҳордиқ чиқарып, малакали тиббий ёрдам олды. Бу мақсадлар учун жами 560 миллион сүм маблағ сарфланди. Тошкент педиатрия-тиббиёт институтыда Республика перинатал марказини қуриш ва уни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ниҳоясига етказилди. «Она ва бола» дастурига биноан, биринчи марта мамлакатимизнинг ҳамма туманларida қызлар гинекологияси хизматлари ташкил этилди. Шунингдек, кичик ёшли ва балофат ёшидаги қызларнинг саломатлиги бүйіча Республика үқув-услубий маркази иш бошлади. Оналар ва болаларга мұлжалланған даволаш-соғломлаштириш муассасалари ти-зими анча кенгайиб, уларнинг моддий базаси мустаҳкамланди. Буни, аввало, янгитдан қурилған, эң замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланған тиббиёт иншоотлари мисолида күрамиз. Масалан, Гулистан, Қува ва Наманган шаҳарларida барпо этилған реабилитация ва соғломлаштириш марказлари, Нурота туманидаги түргуқхона мажмуди, Бешариқ туманидаги «Она ва бола» санаторийиси ҳамда бошқа күпгина объектлар шулар жумласидандыр.

Дастурда белгиланған болаларни жисмоний тарбия ва спорт ёрдамида чиниқтириш тадбири йұналишида шу йил мамлакатимизда биринчи марта академик лицей ва касб-хунар колледжлари үқувчиларининг «Барқамол авлод» үйинлари ташкил этилди. Мактаб ёшидаги болалар үртасида эса «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари үтказиши йўлга қўйилди.

Табиийки, бундай дастурларни ҳаётга татбиқ этиш учун катта күч-гайрат, катта маблағ ва моддий имкониятлар кепрек бўлади. Буни биргина «Она ва бола» дастурида 2001 йил учун белгиланған вазифаларни бажаришга 86 миллиард сүм

ва 20 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ зарур бұлганидан ҳам билиш мүмкін. Дастур ижросини таъминлаш учун керакли молиявий манбаларни қидириб топишига, республика ва маҳаллий бюджетлар, жамоат ташкилотлари, турли жамғармалар, халқаро ташкилотларнинг имкониятларини сафарбар қилишга эришилди. Бу ишга барча вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари билан бир қаторда «Софлом авлод учун», «Маҳалла», «Ибн Сино», Болалар, «Экосан», Мехр-шафқат ва саломатлик жамғармалари, «Маънавият ва маърифат», «Оила» марказлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, кўплаб жамоат ташкилотлари ҳамда ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО сингари нуфузли халқаро ташкилотлар жалб этилди.

«Қарияларни қадрлаш йили», деб эълон қилинган 2002 йилда тузилган дастур бўйича амалга оширилган ишлар нафақат ота-оналаримиз, балки бутун жамиятимиз ҳаётида катта из қолдирди. Қарияларимизни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида биргина Пенсия жамғармаси томонидан 39 миллиард 600 миллион сўм маблағ ажратилди. Қарияларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, уларга тиббий, санаторий-курорт, коммунал-маишӣ ва транспорт хизматлари кўрсатишни яхшилаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилганини ҳам эслаш жоиз. Шу ўринда икки миллионга яқин қария диспансер назорати ва тиббий қўрикдан ўtkazilgani, 30 мингдан зиёд отахон ва онахонларимиз санаторияларда ва тиббиёт масканларида бепул даволанганини ҳам таъкидлаш ўринли. Шу йил Қорақалпогистон Республикасида «Тахиатош» санаторий-профилакторийси, Наманган вилоятида уруш ва меҳнат фахрийларига мўлжалланган «Косонсой» сиҳатгоҳи, Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида «Саховат уйи» барпо этилганини айтиш ўринлидир. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ногирон ва қаровчисиз кексаларга 1 миллиард 340 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилгани, бу эса режадагидан уч баробар кўп экани ҳам албатта амалга оширилган ишлар салмоғидан далолат беради. Бундан ташқари, 900 нафар ёлғиз отахон ва онахонларнинг

уилари давлат ҳисобидан таъмирлаб берилгани, 11 минг 700 нафар ёлғиз кексага давлат дастурида күзда тутилган имтиёзли ёрдам амалга оширилгани, уларга 3 мингдан зиёд ҳамшира хизмат күрсатгани, «Камолот» ўшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари эса 3 минг 700 кексани ўз оталифига олиб, уларга мунтазам ёрдам күрсатгани, айниқса эътиборлидир.

«Обод маҳалла йили» деб эълон қилингани 2003 йилда тузилган маҳсус дастур ва уни амалга ошириш бўйича эришилган пировард натижаларни баҳолайдиган бўлсак, бу дастур, аввало, юртимиздаги ҳар қайси инсон ва оиланинг ҳаёт тарзи ва шароитини яхшилаш, имкон борича одамларга эркинлик ва қулайлик яратиб беришга хизмат қилганини кўрамиз. Аввало, шуни қайд этиш керакки, йил давомида маҳаллаларимизни янада обод қилиш мақсадида кенг кўламдаги бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Кўплаб маданий-маиший бинолар, спорт майдончалари, хиёбон ва боғ-роғлар барпо этилди. Буни ўша вақтда 1 миллиард 745 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланиб, 310 та маҳалла гузари бунёд қилингани, шаҳар ва қишлоқларимизда 25 миллиондан зиёд дараҳт кўчатлари ўтқазилгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Маҳаллалар аҳолисини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш учун қарийб минг километрлик сув тармоғи ва 1 минг 322 километрлик газ тармоғи ишга туширилгани, маҳалла ва мавзелар ҳудудидаги минг километрдан ортиқ йўл қайта таъмирланиб, ободонлаштирилгани ҳам бу борада амалга оширилган катта ишлардандир.

Шу йил юртимиздаги 5 минг 630 та маҳалла ҳудудида кўплаб кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ташкил этиш ҳисобидан қарийб 155 мингта янги иш ўрни яратилгани ва бунинг натижасида кам таъминланган фуқаролардан 110 минг нафари иш ўрнига эга бўлгани, айниқса диққатга сазовор. Бу муҳим ишга тижорат банклари томонидан 36 миллиард 155 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Шунингдек, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасидан қарийб 8 миллиард

сүм, шу жумладан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун 1 миллиард 700 миллион сўмдан зиёд маблаф ажратилгани кўпгина муаммоларни ҳал этиш учун имкон яратди.

Дастур доирасида 1 миллиард 200 миллион сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди. Икки ёшгача бўлган болалар тарбияси билан шуғулланаётган 400 мингдан зиёд аёлга давлат томонидан нафақа пули тайинланди, шунингдек, 180 мингта кам таъминланган оиласа қарийб 4 миллиард сўм миқдорида моддий кўмак берилди. Бунга қўшимча равишда республика «Маҳалла» жамғармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан муҳтоҷ оиласарга 509 миллион сўм маблағ ажратилганини, кўп болали оиласарнинг 240 минг нафар фарзанди ёзги оромгоҳларда белул дам олдирилганини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Қарияларимизга эътибор ва фамхўрлик кўрсатиш бўйича аввалги йилларда бошланган кенг кўламли ишлар 2003 йилда ҳам изчил давом эттирилди. Бу борада 25 мингдан зиёд ёлғиз пенсионер ва ногиронларга 630 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди, дори-дармонлар сотиб олиш, коммунал тўловлар, саломатлигини тиклаш учун қўшимча маблағлар ажратилди, 28 мингдан ортиқ ёлғиз қария тиббий кўрикдан ўтказилиб, республика ортопедия корхонаси ва унинг ҳудудий бўлимларида ногиронларнинг 78 фоизига протезлар тайёрлаб берилди.

Маҳаллалардаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, асрлар давомида унинг бағрида шаклланиб келаётган ибратли анъана ва қадриятларни ўрганиш, тарғиб-ташвиқ этиш борасида ҳам кўплаб тадбирлар амалга оширилгани эътиборлиdir. Шу мавзуда илмий-оммабоп, публицистик асарлар, ҳужжатли фильмлар ва телекурсатувлар яратилгани, турли кўргазмалар ташкил этилгани бунга мисол бўла олади. Жумладан, Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб НАТОнинг Брюсселдаги штаб-квартирасида ва Бельгиянинг бир қанча шаҳарларида «Ўзбек маҳалласи: одамлар, анъаналар ва урф-одатлар» номли кўргазма намойиш этилди.

2004 йил мамлакатимизда «Мехр ва муруват йили», деб номланди ва у «Обод маъалла йили»нинг мантиқий давоми бўлди. Аввало, Ўзбекистон аҳолиси сони шу йилнинг охирига бориб 26 миллионга етди. Аҳолининг йиллик ўсиши эса ўша вақтдаги ҳисоб билан охирги беш йил давомида ўртacha 101,2 фоизни ташкил этди.

Шуни таъкидлаш керакки, мазкур йил бўйича тузилган дастурда белгиланган тадбирлар ижроси учун қарийб 365 миллиард сўм, шу жумладан, 250 миллиард сўм бюджет, 115 миллиард сўм ҳомийлар маблағи сарфланди. Икки ёшгача бўлган фарзандини тарбиялаётган оналар ва кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам ҳажми 1,3 мартаға кўпайиб, 140 миллиард сўмни ташкил этди. Хусусан, умумтаълим мактабларининг 1-синф ўқувчилари, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларини бепул дарслик ва ўқув қуроллари, кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларни қишиклийим-бош билан таъминлаш учун 25 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Дастур доирасида янги-янги иншоотлар, маданий-маиший бинолар барпо этилгани, кексалар ва ногиронлар, ёрдамга муҳтож оилалар учун қулайликлар яратилгани айниқса ибратлидир. Мамлакатимиздаги мавжуд 93 та «Меҳрибонлик» уйлари ва маҳсус мактаб-интернат бинолари тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилди ва реконструкция қилинди. Бунда фақатгина «Меҳрибонлик» уйларининг ўзига 24 миллиард сўм маблағ сарфланиб, бу ишларнинг 85 фоизи ҳомийлар томонидан бажарилди. Шунингдек, ота-онасиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига эътибор янада кучайтирилди. 134 минг нафар ногирон бола тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш чоралари кўрилди. Бу хайрли ишларга нафақат юртимиздаги, балки халқаро миқёсдаги ташкилотлар ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Чунончи, ЮНИСЕФ, «Ворлд концерн», «Енграг», «Америкерс» ва бошқа ташкилотлар томонидан 6 миллиард 500 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди.

2004 йилда 1 миллион 665 минг нафардан зиёд пенсионерлар, 535 мингдан зиёд катта ўшдаги ногиронлар диспан-

сер кўригидан ўтказилди, кўплаб эҳтиёжманд қариялари-
миз ногиронлар аравачалари, протез-ортопедия буюлари
ва бошқа зарур анжомлар билан таъминланди. Дастур дои-
расида умумтаълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда
бошқа ижтимоий обьектларнинг моддий-техник базасини
мустаҳкамлаш, уларни капитал таъмирлаш ва жиҳозлашга
қаратилган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилди ва изчили амалга
оширилди. Бу мақсадлар учун 40 миллиард 500 миллион
сўм бюджет маблағи, 23 миллиард сўм ҳомийлар маблағи
жалб қилингани бу соҳада ҳам салмоқли ишлар бажарилга-
нини кўрсатади. Шунингдек, оммавий спортни, айниқса,
болалар спортини ривожлантириш мақсадларига 8 милли-
ард 700 миллион сўм маблағ сарфланди. «Мехр ва муруват
йили» дастурининг маъно-мазмунига сингдирилган ғоя,
яъни жамиятимизда ҳеч ким ўзини ёлғиз сезмаслиги, ҳеч
ким эътибордан четда қолмаслиги керак, деган даъват
миллионлаб юртдошларимиз қалбидаги акс-садо бергани,
уларни одамийлик ва инсонпарварлик ишларига чорла-
ганига барча гувоҳ бўлди.

2005 йил мамлакатимизда «Сиҳат-саломатлик йили», деб
эълон қилинди. Асосий маъно-мазмуни ва фалсафаси
**«Соғлом ҳалқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир
бўлади»** деган шиорда мужассам бўлган ушбу йилда амалга
оширилган кенг қўламли ишлар, эришилган катта ижобий
натижаларнинг таъсири бугунги кунларда ҳам давом эт-
моқда.

2005 йил мобайнида республикамиздаги 38 та шифохо-
на ва сиҳатгоҳ янгитдан барпо этилди, тўлиқ капитал таъ-
мирланди ва реконструкция қилинди, 93 та даволаш-про-
филактика муассасаси замонавий тиббий ускуналар билан
жиҳозланди. Қишлоқ врачлик пунктларини капитал таъ-
мирлаш ва реконструкция қилиш натижасида 800 минг на-
фар юртдошимиз сифатли тиббий хизматдан фойдалангани
ва қўшимча равишда 2 миллион кишига хизмат кўрсатиш
имконияти яратилганини бу йўлдаги муҳим қадам сифати-
да баҳолаш керак. Жумладан, Бухоро вилоятининг Когон
шахрида, Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида янги
шифохона, Бофот туманида эса янги туғруқхона мажмуи

барпо этилди. Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак тумани марказий касалхонасида катта ҳажмдаги қурилиш-таъмираш ишлари бажарилди, Андижон, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё ва Наманган вилоятларидаги қатор туманларда эса марказий касалхоналар зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бу ишларга 1,5 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Қарши шаҳрида кардиология ва ихти-сослаштирилган урология марказлари, Самарқанд вилоятида тез тиббий ёрдам марказининг Оқдарё филиали, Жиззах вилоятининг Фаллаорол туманида уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийси, Фарғона вилоятидаги «Чимён» санаторийисида янги корпус, Фарғона шаҳрида болалар аквапарки каби тиббиёт ва ижтимоий инфратузилма иншоотлари барпо этилди.

2005 йилда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимиning қонуний-хуқуқий негизини мустаҳкамлаш борасида ҳам муайян ишлар қилинди. «Сиҳат-саломатлик йили» дастурида кўзда тутилган яна бир долзарб масала — аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзи билан боғлиқ ҳаётий қараш ва ёндашувларни шакллантириш бўйича кенг кўламда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Бу борада республика миқёсида турли мавзу ва йўналишларда 80 мингдан зиёд тадбир ўтказилиб, уларда 2 миллиондан ортиқ киши иштирок этганини айтиб ўтиш жоиз. Хусусан, икки жилдан иборат «Соғлом турмуш тарзи асослари» китоби чоп этилиб, марказий ва минтақавий телерадио каналлари орқали 1200 дан зиёд кўрсатув ва эшиттиришлар, жумладан, Ўзбекистон телевидениесида «Тўрт карра йўқ!» номли телемарафон ташкил қилинди.

Мухтасар қилиб айтганда, «Сиҳат-саломатлик йили» дастурининг ижросини таъминлаш бўйича жами 165 миллиард 800 миллион сўм маблағ сарфлангани бу йўналишда бажарилган ишларнинг ҳажми ва кўламини яққол кўрсатади.

Ўтган йилларда амалга оширган ишларни изчил давом эттириш ва янги босқичга кутариш мақсадида 2006 йил юртимизда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон

қилинди. Мазкур йил юзасидан тузилган дастурниг бажарилиши шуни кўрсатадики, инсонпарварлик ва меҳр-муруват руҳи билан йўғрилган ва бутун мамлакатимизни қамраб олган бундай олийжаноб ҳаракат юртимизда ҳеч кимни четда қолдирмади. Хусусан, давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда ҳомийлар кўмагида юртимиздаги кўп болали, кам таъминланган оиласаларга 10 миллиард сўмликдан зиёд қорамол олиб берилгани мамлакатимизда саховат ва ҳимматлиликнинг яна бир ёрқин намоёни бўлди. Бундай тадбирлар одамларнинг меҳнат билан шугулланиши, авваламбор, оила аъзоларини гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш, қолаверса, қўшимча даромад топиш имконини беришини англаш қийин эмас.

Дастур доирасида ёш авлодни жисмонан соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш бўйича бир қатор амалий ишлар қилинди. 2006 йил мобайнода жами 161 та болалар спорт мажмуаси фойдаланишга топширилгани, шулардан 18 таси янгитдан барпо этилгани, 108 та мактаб спорт зали ҳамда 35 та спорт мажмуаси эса реконструкция қилингани бунинг тасдифидир. Бундан ташқари, 237 минг нафар фарзандларимиз ёз мавсумида республикамизнинг соғломлаштириш масканларида кўнгилли дам олиб, ўз саломатлигини мустаҳкамлаб қайтганини ҳам қайд этиш даркор. «Экосан» халқаро ташкилоти томонидан чет эллик ҳомийлар иштирокида Оролбўйи миңтақасига саломатлик поездлари ташкил этилиб, бу ерда яшаётган аҳолига 1,2 миллиард сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилгани ҳам ана шундай амалий ишлар сирасига киради. Айниқса, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш, уларни замонавий асбоб-ускуналар, зарур жиҳоз ва мебеллар билан таъминлаш мақсадида давлат бюджетидан 7,6 миллиард сўм маблағ ажратилгани, капитал таъмирлашга эса ҳомийлар ҳисобидан 7 миллиард сўм сарфлангани бажарилган ишлар кўламини яққол намоён қиласди.

Шу борада марказдан узоқ ҳудудларимизда бажарилган ишлар ҳам эътиборга сазовор. Хоразм вилоятида Республика ихтисослаштирилган урология марказининг филиали таш-

кил этилгани, Республика жарроҳлик маркази ва «Саломатлик» институтининг Нукус филиаллари, Жиззах вилоятида кардиология диспансери ва вилоят болалар шифохонаси, Қашқадарё вилоятида сил касалликлари диспансери, Сурхондарё вилоятида болалар шифохонаси капитал таъмирлангани, қўплаб олис шаҳар ва туманларда янги-янги касалхоналар, 250 дан зиёд қишлоқ врачлик пункти барпо этилгани шулар жумласидандир. Ушбу соҳада эришилган натижага ва ютуқлар нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам ҳақли равишда эътироф этилди. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг Марказий ва Шарқий Европа, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйича минтақавий директори Мария Каливис юртимизда бўлганда, Ўзбекистонда бу йўналишда ўрганса арзидиган тажриба тўпланганини алоҳида таъкидлаган эди. Хуллас, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурида қўзда тутилган тадбирлар ижросининг ўзи қарийб 284 миллиард сўм, жумладан, 133 миллиард сўм бюджет маблағи, 151 миллиард сўмдан зиёд идора ва ташкилотлар, ҳомийлар маблағини сарфлашни талаб қилгани бир йил давомида кенг қамровли ишлар бажарилганининг яққол далили бўлди. Ана шундай улкан ишларни амалга оширишда юртимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотлари, ҳомийлар, савобталаб инсонлар билан бирга, халқаро гуманитар тузилмаларнинг ҳам муносаб ҳиссаси борлигини қайд этиш зарур.

2007 йил юртимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинди. Давлат бюджетининг социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий харажатлари 2007 йилда 54,1 фоизни ташкил этди. Кам таъминланган, ёш болали оиласарга бериладиган ижтимоий нафақалар учун мўлжалланган харажатлар миқдори эса 7 фоизни ташкил этди.

«Ижтимоий ҳимоя йили» дастурида кўрсатилган тадбирларни амалга оширишда «Меҳрибонлик» уйлари ва ихтиослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, боқувчисини йўқотган болаларга дав-

латимиз ва жамиятимизнинг эътибори ва ғамхўрлигини кучайтириш, шу тариқа «Сен ёлғиз эмассан» деган даъватни ҳар жиҳатдан мустахкамлашга қаратилган ишлар алоҳида ўрин эгаллади. 2007 йил мобайнида 15 та маҳсус мактаб-интернат ва «Меҳрибонлик» уйларида жами 4 миллиард 800 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари бажарилганини, Ҳалқ таълими вазирлиги томонидан «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларига салкам 112 миллион сўмлик кийим-бош ва зарурий жиҳозлар олиб берилганини қайд этиш лозим. Шуниси эътиборга лойикки, бу савобли ишларга жойларда кўпгина ташкилот ва ҳомийлар ҳам ўз ҳиссасини қўши. Мисол учун, Самарқанд, Навоий ва Жizzах вилоятларида шу мақсадда қарийб 580 миллион сўмлик маблағ сарфлангани бунинг тасдиғидир. Дастур доирасида аҳолининг кам таъминланган, кўмак ва ёрдамга муҳтоҷ қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-кувватлашни кучайтириш, уларни меҳнатга жалб қилиш орқали даромад манбаи билан таъминлаш бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинди. Жумладан, шу йил мобайнида 50 мингдан зиёд оиласа бепул қорамол берилгани, 10 минг 580 та оиласа чорва моллари сотиб олиш учун тижорат банклари орқали 8 ярим миллиард сўмга яқин имтиёзли кредит ажратилгани ҳам бу борада қилинган ишларнинг самарасини кўрсатади. Мазкур дастурда ўз ифодасини топган ўта муҳим ва савобли ишларни бажаришда хорижий мамлакатлар ва ҳалқаро ташкилотлар, жумладан, Германия, Жанубий Корея, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ каби чет эллик ҳамкорларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини қайд этиш зарур.

«Ижтимоий ҳимоя йили» дастурига мувофиқ, ёш авлоднинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш, ёш оиласарга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш, фарзандларимизни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш борасида ҳам йил давомида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ёш оиласарнинг муаммоларини ечиш, аввало, уй-жой сотиб олиш ва иморат қуриш, рўзгорини

бутлашга күмаклашиш мақсадида тижорат банклари томонидан 57 миллиард 500 миллион сүмлик ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилди. Шу билан бирга, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати күмагида ёш тадбиркорларга 2 миллиард 500 миллион сүмлик микрокредит, ёш оиласалар учун 1 миллиард 800 миллион сүмлик ипотека кредити, 1 миллиард 100 миллион сүмлик истеъмол кредитлари, шуннингдек, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар учун таълим грантлари ажратилганини таъкидлаш лозим. Дастурда белгиланган тадбирларга мувофиқ, «Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-кувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тұғрисида»ги фармонга асосан, фаҳрийларимиз учун 2007 йил охиригача Пенсия жамғармасидан қўшимча равишда 20 миллиард 300 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Бундан ташқари, 480 мингдан зиёд ёлғиз кекса, уруш ногирони ва иштирокчиларига, фронт ортида меҳнат қилган ҳамда Чернобиль ҳалокатини барта-раф этишда қатнашган кишиларга 21 ярим миллиард сўмдан зиёд компенсация тұловлари амалга оширилди. Шу тоифага мансуб бўлган 37 минг нафар киши ва кўзи ожиз биринчи гурӯҳ ногиронларининг йил давомида шаҳар йўловчи транспортидан бепул фойдаланиши йўлга қўйилиб, бу ишларга 648 миллион сўм бюджет маблағи сарфланди.

Мухтасар қилиб айтганда, 2007 йилда юртимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида барча манбалар ҳисобидан жами 483 миллиард 600 миллион сўм, жумладан, 213 миллиард 200 миллион сўм бюджет маблағи, 270 миллиард 400 миллион сўм миқдорида грантлар, ижрочилар ҳамда ҳомийлар маблағи сарфлангани бу соҳада амалга оширилган улкан ишларнинг ҳажми ва салмоғини якқол кўрсатади.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёштагача бўлган ёшлар 10 миллион 500 мингдан ортиқ ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёштагача бўлганлар эса — 18 миллион нафарни ёки 64 фоизини ташкил этади. Ўз-ўзидан аёники, аҳолимизнинг аксарият қисмини ташкил этадиган ёшларнинг ҳали-бери ечилмаган муаммоларига эътиборни жалб этиш, уларни ҳәётимизда ҳақиқатан ҳам ҳал

құлувчи күчга айлантириш масаласи жамоатчилегимизнинг дикқат марказыда туради.

2008 йилга «Ёшлар йили» деб ном берилиши муносабати билан тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида маҳсус давлат дастури ишлаб чиқилди. Кенг күламли чоратадбирларни амалга ошириш учун биринчи навбатда моддий ва молиявий манбалар, масъул идора ва ташкилотлар, тегишли ижрочилар аниқ белгилаб олинди. Үтган давр мобайнида бу йұналиш бүйіча Президент ва ҳукумат томонидан 13 та қарор, 1 та фармойиш қабул қилинди. Шу йилнинг ўзіда 370 миллиард сүмдан ортиқ маблағ сарфланиб, 184 та замонавий лицей ва коллеж барпо этилганини алоҳида қайд этиш лозим. Йил давомида умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бүйіча 364 миллиард сүм маблағ сарфланиб, 1 минг 875 та мактабда янги курилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарылған ҳам, ҳеч шубҳасиз, келажагимиз учун амалга оширилаётган ишларнинг яна бир намоёни бўлди.

2008 йил давомида ҳаётимиздаги яна бир ўткир масалани ечишга катта ахамият берилди. Олий ва үрта маҳсус таълим муассасаларини битирған ёшларни иш билан таъминлаш ўта долзарб ва жиддий масала экани албатта, ҳаммага маълум. 2008 йилда республикамиз бүйіча 660 минг янги иш ўрни ташкил этилгани ва бу рақам 2007 йилга нисбатан 105 фоизга үсгани, эңг муҳими, бу иш жойлари асосан ҳаётга кириб келаётган ёшлар учун яратилгани сўзсиз қувонарли ҳол.

2008 йил давомида соғлом авлодни вояга етказиш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида амалга оширилаётган улкан ўзгаришларга алоҳида тұхталиш жоиз. Бу борада «Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш», «Саломатлик-2» лойиҳалари доирасида тиббиёт муассасаларига қарийб 3,5 миллион АҚШ доллари қыйматидаги асбоб-ускуналар етказиб берилди. Бу муҳим йұналишда ўз күч ва имкониятларимиз билан бир қаторда хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан олиб бораётган яқин ҳамкорлик ижобий самара берди. Масалан, Жаҳон овқатланишини

яхшилаш жамғармасининг 6 миллион долларлик маблағи ҳисобидан ун маҳсулотларини фортификация қилиш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Япония ҳукуматининг гранти асосида Республика Акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институти 3,5 миллион долларлик замонавий даволаш-диагностика ускуналари билан жиҳозланди. Саудия Тараққиёт жамғармаси ва ОПЕК жамғармаси томонидан юртимиздаги 28 та янги мактаб қурилишига 21 миллион, Қувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси томонидан Республика нейрохирургия маркази қурилишига 13 миллион, Ислом тараққиёт банки томонидан 5 та касб-ҳунар коллежи қурилиши учун 10 миллион доллар, Бирлашган Араб Амирликлари томонидан янги мактабларни жиҳозлаш, компьютерлар билан таъминлаш учун 16 миллион доллар миқдорида маблағ ажратилганини қайд этиш лозим. Шулар қаторида Осиё тараққиёт банки, Германиянинг КФВ банки ва Хитой Халқ Республикасининг молия институтлари томонидан коммунал хизмат соҳасини янада ривожлантириш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш учун катта миқдорда маблағ ажратилганини алоҳида таъкидлаш ўринли бўлади.

Хуллас, «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида белгиланган чора ва тадбирларни амалга ошириш учун барча манбалар ҳисобидан 1 триллион 248 миллиард сўмдан ортиқ, жумладан, 1 триллион 96 миллиард сўмлик бюджет маблағи, 151 миллиард сўмдан зиёд ҳомийлар маблағи сарфланганини тасаввур қиласиган бўлсақ, бу борада бажарилган ишларнинг кўлами ва миқёси яққол намоён бўлади.

Барчамизниң илдизимиз, томиримиз авваламбор қишлоқ заминига бориб тақалади. Она Ватан деган улуф ва муқаддас тушунча одамзот учун гўёки қишлоқ тимсолидан бошланади. Ҳар бир онгли инсон қайси жойда, юртимизниң қайси чеккасида яшамасин, албаттага ўзининг, оиласининг ҳаёти қишлоқ замини билан чамбарчас боғланганини сезиши, тушуниши табиий. Шунинг учун Ватанимиз тараққиётида тутган ўрни ва аҳамияти бекиёс бўлган қишлоқ аҳлиниң ҳаётини замонавий мезонларга жавоб беради.

диган даражага күтариш ва умуман, қишлоқ хұжалиги соңаси ривожига ривож қүшиш, унинг самарадорлигини ошириш бугунги кунда энг долзарб, ҳәёттинг ўзи талаб қила-әтган мұхим бир вазифага айланмоқда. Шу муносабат билан 2009 йил мамлакатимизда «Қишлоқ тараққиеті ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинди. Бу борада олиб борила-әтган амалий ишларни янги босқичта күтариш мақсадыда мамлакатимизда бу масала бүйічә ҳам алоқида дастур ишлаб чиқилиб, амалга ошириладиган қуйидаги асосий ишлар аниқ белгилаб олинди:

I. Қишлоқ ахолисининг манфаатларини яна ҳам тұлық-роқ таъминлаш мақсадыда қонунчилік ва норматив-хуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш.

II. Қишлоқ ахоли пунктларининг архитектуравий режалаштирилишини ташкил этиш, қишлоқда тураржой ва ижтимоий соңа объектлари барпо этилишини лойихалаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш.

III. Қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш асосида қишлоқдаги турмуш сифатини ошириш.

IV. Мамлакатимизнинг ўзіда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, йигма конструкциялар ва маҳаллий материаллардан фойдаланған ҳолда қишлоқда объектлар қурилишининг индустрىал ва йигма технологияларини жорий этиш.

V. Кафолатли таъминлаш бүйічә қулай шарт-шароиттар яратиш.

VI. Қишлоқ хұжалигыда іқтисодий ислоҳотларни изчил чукурлаштириш, фермерлик ҳаракатини янада құллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, фермерларга янги имтиёзлар ва преференциялар беріш, қишлоқда шаклана-әтган янги мулкий муносабатларни ұрта синф-мұлкдорлар, тадбиркорлар, ишビルармондарнинг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш.

VII. 2008—2012 йиллар даврида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг тасдиқланған Давлат дастурига мувофиқлаштириш.

VIII. Қишлоқда саноат ишлаб чиқаришини янада жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналар ташкил этиш, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, шу асосда қишлоқ аҳолисини, энг аввало, ёшларни ишга жойлаштиришни таъминлаш, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини ошириш.

IX. Одамлар соғлигини муҳофаза қилишни яхшилаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, таълим тизими-ни янада ривожлантириш, унинг даражаси ва сифатини ошириш ва қишлоқ жойларда мактаблар ва касб-хунар коллежларининг моддий базасини мустаҳкамлаш: а) қишлоқ аҳолиси саломатлигини муҳофаза қилишни таъминлаш; б) қишлоқдаги мактаблар ва коллежларнинг моддий-техни-ка базасини янада ривожлантириш, қишлоқ минтақаларида таълим даражаси ва сифатини ошириш.

Албатта, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» йили бўйича қабул қилинган Давлат дастури ўзининг тўла ижро-сига эга бўлишига аминмиз. Мамлакатимизда юрт тинчлиги ва барқарорлиги, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровон-лиги устувор аҳамият касб этар экан, биз кўзлаган демок-ратик жамият барпо этиш мустаҳкам кафолатга эга экан-лигига шубҳа йўқдир.

IV. МАЪНАВИЯТ СОҲАСИ РИВОЖИ

Ўтган ўн саккиз йил давомида мустақиллик биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият бўлиб, миллий ўзлигимиз, орномусимиз, фуур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-инти-лишларимиз, ютуқ ва мэрраларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида шу муқаддас заминда яшаётган барча ватандош-ларимиз қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Халқимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, мамлакат ўтмишига, бой тарихий меросига, маънавий қадриятлар ва анъаналарга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Давлатимиз раҳбарининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида

таърифланганидек, инсонни руҳан покланиш, қалбан ул-файишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиласидиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч — маънавиятга энг устувор йұналишлардан бири сифатида эътибор қаратилди. Мустабид тузум даврида миллатимиз ва халқимизни камситувчи бузиб күрсатилган тарихий ҳақиқаттар тикланди. Миллий байрамлар ва урф-одатлар асл ҳолига қайтди. Азиз авлиёларимизнинг қаровсизликдан нураб, деярли йүқ бўлиб кетиши арафасига келиб қолган мақбаралари, масжид ва мадрасалар тубдан таъмирланди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши миллий маданиятимиз тарихини ўрганиш, у ҳақда холосона фикр билдириш борасида катта имкониятлар яратди. Осори-атиқаларимизни асраш, миллий қадриятларимизни тиклаш, қадимий бой тарихимизни тұлақонли ёритиш имконияти туғилди.

Жаҳон маданиятига ўзининг муносиб ҳиссасини құшган аждодларимиз таваллудларини нишонлаш мустақиллик туғайли изчил анъанага айланди. Истиқбол шарофати билан ҳамда Президентимизнинг ташабbusлари билан алломаларимиз таваллуд саналари нишонланди. Жумладан, 1991 йили Алишер Навоий; 1993 йили Аҳмад Яссавий, Заҳириддин Мұхаммад Бобур, Баҳовуддин Нақшбанд; 1994 йили Мирзо Улугбек; 1995 йили Феруз, Нажмиддин Кубро; 1996 йили Амир Темур; 1998 йили Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний; 1999 йили Жалолиддин Мангуберди; 2000 йили Бурхонуддин ал-Марғиноний, Камолиддин Беҳзод, Имом Абу Мансур ал-Мотурудий каби мутафаккирларимизга бағишланған тантаналар үтказилди. Шу үринде давлатимиз раҳбарининг қүйидаги суzlари ёдга келади. «Бу каби тантаналарни үтказишдан ният ва мақсадларимиз, муқаддас қадамжоларни обод қилишимиз сабаблари... энг аввало бу ишларни амалга ошириш замирида савоб деган олижаноб тушунча ётади. Савоб — улуф инсоний фазилат, юксак исломий қадриятлардан биридир. Менинг комил ишончим шуки, савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар куни қилиш керак.

Савобли амаллар қилиш эса ҳалқимизга хос азалий хислатдир. Савобли ишларни қилган одамга, унинг эл-юртига, албатта Аллоҳнинг раҳматлари ёғилади. Муқаддас Куръоний оятда таъкидланганидек, «Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир». Биз эзгу ишларни қанча кўп қилсак, улуг аждодларимизнинг иззат-икромини жойига қўйсак, уларнинг табаррук номларини бутун дунёга тараннум этсак, Яратганинг ўзи — бизни бало-қазолардан асрайди, бизга куч-қудрат ато этади, йўлимизни очиб беради»¹.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарорига асосан, 1996 йилда Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги тантаналари ўтказилди. Ушбу тадбирлар кенгайиб, бутун жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам юқори даражада ўтказилди.

Маданият, санъат, маориф, матбуот, спорт соҳаларида улуг аждодимизга бағишлаб, турли йўналишдаги китоб, мақола, рисолалар чоп этилди, турли фильм ва спектакллар намойиш этилди. Спорт соҳасида эса улоқ, кўпкари, кураш ўйинлари қайта тикланиб, кенг миқёсда оммалаштирилди.

Мустақиллик туфайли истиқололнинг дастлабки йиллариданоқ аждодлар меросини ўрганиш, хусусан жадидчилик намоёндалари Мунаввар қори, Убайдулла Хўжаев, М. Беҳбудий, А. Авлоний, А. Фитрат, Чўлпон, Исҳоқхон Ибрат, Ҳ.Ҳ. Ниёзий, А. Қодирий меросини тиклаш давлат сиёсати даражасига кутарилди. Аждодлар меросини ўрганишнинг маънавий ва хуқуқий асослари ишлаб чиқилди ва ҳаётга татбиқ этила бошланди. Қомусий олим Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллигини нишонлаш ўзлигимизни, қадриятларимизни англаш йўлидаги яна бир воқеа бўлди. Улуг аждодларимиз таваллудларини ўтказиш бўйича ижтимоий-сиёсий, маърифий тажрибалар вужудга келди. Республикализдаги бу тажрибалардан қўшни мамлакатларда ҳам фойдаланиш кўзга ташланди.

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т. 7. — Т.: Ўзбекистон, 1999. — Б. 183—184.

Шунингдек, қадимги аждодларимизнинг эзгу ғоялари, миллий давлатчилик анъаналари, турмуш тарзи ва менталитетини акс эттирган «Авесто» китоби фақат мустақиллик йилларида ўзининг ҳақиқий қадр-қумматини топди. Президент Ислом Каримов раҳбарлигига амалга оширилган маънавий меросимизни тиклаш, ҳар томонлама ўрганиш ва тарғиб этиш борасидаги кенг кўламли ишлар доирасида «Авесто» китоби ҳам халқимизнинг маънавий мулкига айлантирилди. Китобнинг халқимиз ва миллий давлатчилигимиз тарихи, умумбашарий цивилизация ривожидаги улкан аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, 2001 йили «Авесто» яратилганининг 2700 йиллиги юртимизда халқаро миқёсла кенг нишонланди. Шу муносабат билан китобнинг тўлиқ матни ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилди.

Истиқбол йилларида маънавий-маърифий ишларнинг янги, давр талаби ва манфаатларига мос такомиллашган тизими шакллантирилди. Юзлаб музейлар, маданият уйлари ва саройлари, ахборот ресурс марказлари, маданият ва истироҳат боғлари оммавий муассасалар сифатида ватандoshларимизга маънавий-маърифий хизмат кўрсата бошлади. Республика «Маънавият ва маърифат маркази» ташкил этилди (1994) ва унинг вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги бўлимлари ишга туширилди. Марказга Республика Маънавият ва маърифат кенгаши раҳбарлик қила бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорига биноан Республика Маънавият ва маърифат кенгаши фаолияти ва таркибий тузилиши қайта кўриб чиқилди. Республикаиздаги маҳалла оқсоқоллари ва фуқаролар йиғинлари раисларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчилари тизими шакллантирилди. Маънавий-маърифий ишларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш борасида яна қатор ижобий чора-тадбирлар амалга оширилди. Республиkanинг барча вилоятлари, йирик шаҳарлари ва туманларида фаолият юритаётган маънавий-маърифий муассасалар иштирокида катта халқ сайиллари,

ҳосил байрамлари, «Мустақиллик», «Наврӯз», «Меҳржон» байрамлари, «Шарқ тароналари» халқаро фестивали, хонандалар, раққосалар, энг яхши касб усталарининг кўрик танловлари, «Ўзбекистон Ватаним маним», «Энг улуғ, энг азиз», «Келажак овози» ва бошқа кўрик-танловлар ўтказилмоқда.

Истиқол йилларида биргина Тошкент шаҳрида «Туркистон» саройи, Алишер Навоий номидаги Миллий боф, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Миллий академик театр биноси ва фоят гўзал, маҳобатли кошона — Ўзбекистон Давлат консерваториясининг янги биноси, бошқа кўплаб иншоотлар барпо этилди.

2000 йили пойтахтимизнинг Юнусобод туманида қатағон йилларида халқимизнинг минглаб асл фарзандлари қатл этилиб, ном-нишонсиз кўмиб ташланган, неча йиллар давомида қаровсиз қолиб келган Бўзсув канали соҳиридаги Алвастикуприк деб ном олган жарлик ўрнида «Шаҳидлар хотираси ҳиёбони» ва кейинчалик шу номда музей ва жамғарма ташкил қилинди. 2001 йилдан эътиборан 31 август юртимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланадиган бўлди. Ҳар йили 31 август тонгигда бу масканда халқимизнинг қадимий урф-одатларига кўра ош тортилиб, Қуръон тиловат қилиш, давлат ва хукумат раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакилларининг бу ерга келиб, марҳумларни ёд этиши, уларнинг руҳига ҳурмат бажо келтириши ибратли анъанага айланди.

Хозирги кунда мамлакатимиздаги аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишлари билан бевосита шуғулланадиган Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида 2143 та клуб муассасалари, 87 та музей, жумладан 18 та тарихий, 25 та ўлкашунослик, 10 та бадиий, 16 та мемориал ва 18 та бошқа йўналишдаги музейлар ва 60 дан ортиқ маданият ва истироҳат боғлари ҳамда 37 та профессионал театр жамоалари фаолият келмоқда. Маданият ва маърифат масканлари жамиятда ўзига хос ўрин тутади, айниқса, мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ислоҳотларни аҳоли ўртасида тушунтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мустақилликни құлға киритишимиз шарофати билан мустабид тузум даврида топталиб келинган миллий урф-одат, анъана, қадриятларимиз қайта тикланиб, бугунги миллий-маънавий тараққиётимизга хизмат құлмоқда. Юртбошимиз «Юксак маънавият — енгилмас күч» асарида таъкидланғанидек: «Айни пайтда юртимизда миллий тикланиш жараёни қарийб бир ярим аср давом эттан ижтимоий-сиёсий қарамлиқдан кейин дастлабки пайтларда мутлақо табиий равишда үзига хос «инкорни инкор» қонунияти асосида кечганини айтиш лозим. Лекин биз собиқ тузумнинг мағкуравий қарашларини умуман инкор этишнинг үзи ҳеч қандай бунёдкорлик дастурига эга бўлмаган сиёсий ва маданий экстремизм хавфини туғдириши эҳтимолини яхши англар эдик. Шу билан бирга, тарихий қадриятлар, урф-одат ва анъаналар, турмуш тарзига орқа-олдини ўламасдан, ёппасига бетартиб қайтиш бошқа бир кескинлик, дейлик, бугунги давр ҳаётини қабул қиласлик, жамиятни янгилаш заруратини инкор этиш каби номақбул ҳолатларга олиб келиши мумкинлигини ҳам унутмаслик зарур эди. Барчамизга маълумки, миллат ва халқнинг рухи, дунёқараши ва турмуш тарзини ифода этадиган миллий маънавиятга муносабат, уни замон талаблари асосида ривожлантириш, одамларнинг дунёқараши ва тафаккурини ўзгартириш масаласи ҳар томонлама чуқур ва пухта ўйлаб иш юритишни талаб қиласди». Президентимиз маънавиятнинг миллий тараққиётдаги үрни ва аҳамияти, уни ўзлаштириш зарурлиги ҳақида тұхталиб, таъкидлаганидек: «Маънавият ўз халқнинг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суюнгандагина құдратли кучга айланади». Бу концептуал фоя бугунги кунда миллий маънавиятни ривожлантиришда давлат сиёсатининг устувор таомыилларидан бири сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Бугунги кунда ОАВ, хусусан телевидение маданиятни оммалаштиришнинг асосий воситаси ва манбаи бўлиб хизмат құлмоқда. Аммо глобаллашув жараёнлари ва унинг йұналишларидан бири бўлган оммавий маданият экспансияси таъсирида қадриятлар тизимида содир бўладиган туб ўзгаришлар инсонда муайян ўзгаришларни келтириб чи-

қариши, инсон ва жамият ўз маънавий-ахлоқий таянчларидан маҳрум этилиши мумкин. Шу маънода, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «... коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган фоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «Оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкинлиги барчамизга аён бўлиши керак... Айниқса, ҳозирги вақтда дунёда кучайиб бораётган турли маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, «оммавий маданият»нинг заарли таъсиридан фарзандларимизнинг онгу тафаккурини ҳимоя қилишда илму фан ва маданият жамоатчилиги, ижод аҳлиниң үрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Нега деганда, бизнинг миллый руҳимиз ва табиатимизга ёт ва бегона бўлган ана шундай «маданият» намуналарини фақат танқид ва инкор қилиш ёки уларни тақиқлаш билан бирон натижага эришиб бўлмайди. Бундай хатарлардан ҳайтимизни асраш, маънавий бўшлиққа йўл қўймаслик учун, авваламбор, эзгу инсоний фоялар ва юксак маҳорат билан яратилган асарлар орқали ҳалқимизнинг маданий савиясини юксалтириш, бошқача айтганда, бугун жаҳон майдонида юз бераётган кескин ақл-заковат ва истеъдод мусобақасида беллашувга қодир бўлишимиз шарт». Давлатимиз раҳбарининг ушбу фикр-мулоҳазаларида оммавий маданиятнинг мазмун-моҳияти, оқибатлари ҳамда унга қарши курашишнинг изчил восита ва омиллари аниқ баён этилган.

Хуллас, бугунги глобаллашув шароитида турли шаклдаги, хусусан, «оммавий маданият» қўринишидаги мафкуравий хуружларга қарши кураш, бунинг учун «халқни — халқ, миллатни — миллат» қилиш Ўзбекистон мустақиллигини асраб-авайлаш, жамиятдаги барқарорликни сақлашнинг муҳим воситасидир. Ёдда тутиш лозимки, маданият, маънавият одамлар уларда мужассам бўлган қадриятларнинг ҳаётдаги устуворлигини тан олган ва уларга амал қилиб яшагандагина яшайди. Бир-бири билан чамбарчас боғлиқ маданият ва маънавият инсоннинг инсоният олдилиги, халқ

олдидаги, қолаверса, ўзи олдидаги масъулиятидир. Шу маънода, маданиятни инсон хатти-ҳаракатлари ва фаолиятининг ички тамойилларига айланган чекловлар тизими сифатида талқин этиш мумкин. Эзгуликка, инсонийликка зид ишни, қандай шароитга тушган бўлмасин, қилмайдиган одам ҳақиқий маданиятли инсон даражасига кўтарилади.

Диний қадриятларнинг тикланишига оид қўйидаги мисоллар мамлакатимизда маънавий ҳаёт тўлақонли ва рангбаранг кечайтганлигидан далолатdir:

2008 йил 14—15 август кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида хорижлик ва маҳаллий уламолар, олимлар ва кенг жамоатчилик иштирокида «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси равнақига қўшган ҳиссаси» мавзуидаги халқаро конференция; 13—14 ноябрь кунлари Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида «Ўзбекистон — ислом дунёсининг буюк мутафаккирлари юрти» мавзуидаги анжуман ташкил этилди.

1993 йил сентябрь ойида Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги нишонланди.

1995 йил ноябрь ойида Маҳмуд аз-Замахшарийнинг 920 йиллиги ва Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги нишонланди.

Рус Православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 125 йиллиги муносабати билан 1996 йил 9—12 ноября кунлари тантанали тадбирлар ўтказилди. Тантаналарда черков тарихида илк бор Москва ва Бутун Русь Патриархи Алексий II Марказий Осиё худудига ташриф буюрди.

1996 йил 17 декабрь куни Ўзбекистон Евангель-лютеран жамоаси Марказий Осиёдаги ягона лютеран Кирхасининг 100 йиллигини нишонлади.

1998 йил октябрь ойида Имом ал-Бухорийнинг ҳижрий тақвим бўйича 1225 йиллиги нишонланди.

2000 йил ноябрь ойида Имом Абу Мансур ал-Мотурийнинг 1130 йиллиги ва Бурхониддин ал-Марғинонийнинг 910 йиллиги нишонланди.

2001 йил 25—26 ноябрь кунлари Рус Православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 130 йиллигига

багишланган тантанали йиғилиш ва илмий конференция үтказилди.

2002 йилда Рим-католик черкови католикликнинг Марказий Осиёда қайта тикланганлигига 100 йил тўлиши муносабати билан байрам тадбирлари ташкил этди.

2003 йил 5 октябрь куни Самарқанд шаҳрида Арман Апостоллик черкови қурилганлигининг 100 йиллигига багишланган тантаналар үтказилди.

2003 йил ноябрь ойида Абдуҳолиқ Фиждувонийнинг 900 йиллиги нишонланди.

2003 йил 27 декабрь куни Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 60 йиллиги нишонланди.

2004 йил декабрь ойида Ҳожа Аҳрор Валийнинг 600 йиллиги нишонланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг маҳсус фармонлари билан Қурбон ва Рамазон ҳайтларининг биринчи кунлари дам олиш кунлари деб эълон қилинди.

1992 йил 2 апрель куни Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

2003 йил 11 август куни Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислом университети битирувчиларини молиявий жиҳатдан қўллаб-куватлаш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

2003 йил 22 август куни Вазирлар Маҳкамасининг «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятини янада такомиллаштиришда ижтимоий қўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

2003 йил 17 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини асрар-авайлаш ва янада ободонлаштириш, аллома меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

2004 йил 27 май куни Вазирлар Маҳкамасининг «Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

2004 йил 16 июль куни Вазирлар Маҳкамасининг «Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

2006 йил 28 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳаж ва Умра тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича Жамоатчилик кенгаши тузиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

2007 йил 8 июнь куни Вазирлар Маҳкамасининг «Усмон Мусҳафи»ни талаб даражасида сақлашни таъминлаш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 майдаги қарорига асосан Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистонидаги Бош консуллиги таркибида Ҳаж ва Умра масалалари билан шуғулланувчи атташе лавозими ташкил этилди.

2008 йил 23 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Имом Бухорий халқаро марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди.

2008 йил 7 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурида муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш хайрия жам-фармасини ташкил қилиш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди.

2002 йил 30 май куни Навоий шаҳрида Рус Православ черковининг тантанали очилиш маросими ўтказилди.

2007 йилда Тошкент шаҳрининг «Ҳастимом» даҳасида қисқа муддатда — тўрт ой ичидаги «Ҳазрати имом» масжиди, «Бароқхон» мадрасаси, «Муйи муборак» зиёратгоҳи, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг янги биноси ва бошқа масканларни олган янги мажмуа қуриб битказилди.

2004 йил 22—23 марта кунлари Франциянинг Париж шаҳрида «Ўзбекистон ва Францияда диний бағрикенглик» ва

«Ўзбекистон ва Франция халқаро муносабатлар тизимида» мавзуларида Халқаро конференциялар ўтказилди.

2004 йил 3—10 октябрь кунлари АҚШ нинг Вашингтон шаҳрида Р. Никсон маркази томонидан ташкил этилган «Давлат ва дин, конфесиялараро бағрикенглик: Ўзбекистон мисолида» мавзусида конференция бўлиб ўтди.

2007 йил 31 май куни Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида «Уч дин форуми» халқаро ташкилоти томонидан ташкил этилган «Конфесиялараро тотувликка эришишда Ўзбекистон тажрибаси» мавзуидаги семинар уюштирилди.

2001 йил 30 март куни Ўзбекистон Библия китоб жамияти томонидан амалга оширилган «Сулаймоннинг ҳикматлари китоби»нинг ўзбекча таржимаси тақдимот маросими ўтказилди.

Мустақиллик йилларида республикамизда Куръон (уч марта), Қадимги Аҳднинг 16 китоби ва Янги Аҳд тўлалигича ўзбек тилига ўғирилиб, нашр этилди.

2004 йил 21 декабрь куни Ўзбекистон мусулмонлари идорасида Республика Кўрлар жамияти билан ҳамкорликда тайёрланган Брайл ёзувидаги Куръони карим китоби тақдимот маросими ўтказилди. Ўзбекистон мазкур хайрли амалиётни амалга оширган жаҳоннинг учинчи мамлакати бўлди. Бугунги кунда мамлакатимизда 24 мингга яқин кўзи ожизлар истиқомат қилмоқда. Эндиликда маҳсус мактаб-интернатлар, кутубхоналар ҳамда барча истак билдирганлар мазкур Куръондан фойдаланишлари мумкин.

Мустақиллик туфайли мусиқа, маданият, амалий ва тасвирий санъат каби йўналишлар ривожига катта эътибор берилди. Ўзбекистон машҳур мусиқа ва театр фестивалларига, ижрочилар танловлари ва қўргазмаларга ҳам мезbonлик қилмоқда. Ҳусусан, йил сайнин иштирокчилар сони кўпайиб бораётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бутун жаҳон маданий жамоатчилиги ўртасида кенг шуҳрат қозонмоқда.

Ўзбекистон раҳбарияти аҳолининг кўпмиллатлилигини ҳисобга олиб, мустақилликнинг ilk йилларидан бошлаб миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга

алоҳида эътибор қаратмоқда. Давлатимиз миллий сиёсатининг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида баён этилган.

Миллий сиёсат қўйидаги тамойилларга асосланади:

— Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари хурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади;

— Миллатидан қатъи назар фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги;

— Давлат ва жамият бошқарувининг барча бўғинларида этник ўзига хосликларни ҳисобга олиш;

— Миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасизлик;

— Ижтимоий ва сиёсий ҳаётда барча миллат ва элат вакиларининг ҳар томонлама иштирокини таъминлаш;

— Республикада ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адноватни тарғиб қиласидаги партиялар ва жамоат бирлашмалари тузилиши ҳамда уларнинг фаолияти тақиқланган.

Республикада ҳозирги пайтда 27 миллат вакиллари томонидан тузилган 150 га яқин миллий маданий марказ (МММ) фаолият олиб бормоқда.

14 МММ республика мақомига эга.

31 МММ корейслар, 23 МММ руслар, 10 МММ тоҷиклар, 9 МММ қозоқлар, 9 МММ татарлар (3 таси татар бошқирд МММ) томонидан тузилган.

Озарбайжонлар 8, туркманлар 7 та МММга эга.

Украинлар ва қирғизларда 6, туркларда ва Европа яхудийларида 5 тадан МММ бор.

Немислар, поляклар ва арманлар 4 тадан МММ тузишган.

Үйгурлар ва Бухоро яхудийлари 3 тадан МММга эга.

Белоруслар ва қрим татарлар 2 тадан МММ га эга.

Араблар, болгарлар, бошқирдлар, греклар, грузинлар, литваликлар, қорақалпоқлар, хитойлар ва дунгандар 1 тадан МММ тузишган.

Республика байналмилад маданият маркази ва МММ фаолларидан 71 киши юксак давлат мукофотлари билан тақдирланган. Шу жумладан, 32 киши «Дүстлик» ордени билан, 2 киши «Мехнат шұхрати» ордени билан, 13 киши «Шұхрат» медали билан мукофотланган. 7 кишига фахрий унвонлар, 17 кишига Үзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиқлари берилган. Мукофотланғанлар орасида 24 миллат вакиллари бор.

Бугунги кунда Үзбекистон Қаҳрамони Вера Борисовна Пак Хоразм вилояти корейс МММ бошқаруви аъзосидир. Республика рус маркази раиси Светлана Ивановна Герасимова эса сенатор, Үзбекистон Халқ үқитувчisi.

Телевидение ва радиода 10 тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, татар, уйғур, озарбайжон) күрсатув ва эшиттиришлар олиб борилади.

Газеталар 10 тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, корейс, тожик, туркман, украин, инглиз), журналлар эса 8 тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, инглиз, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман) босилади.

Ўрта ва олий таълим 7 тилда: ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида амалга оширилади.

Ўзбекистон диёрида қадимдан турли цивилизация вакиллари, маданий қатламлар, хилма-хил эътиқод ва дунё-қарашлар ёнма-ён яшаб келган. Бу ерда яшовчи халқ, Юртбошимиз таъкидлаганидек, бошқа жойдан күчиб келиб, ўрнашиб қолган эмас. Бу замин ота-боболаримиз яшаб ўтган азалий ва муқаддас макондир. Бу замин Шарқ ва Farbining, Шимол ва Жанубнинг, қадим ўтмиш ва буюк кела-жакнинг туташган жойи, Марказий Осиёнинг юраги, инсоният тафаккури, фан ва маданиятининг энг күнха ўчоқларидан биридир. Бу тупроқда жаҳонни ҳайратга солған цивилизациянинг илдизлари вужудга келган, инсоният тарихининг энг қадимги даврларига мансуб диний ва фалсафий анъаналар шаклланган. Қадимги юнон файласуфи Гераклит бу юртни «фалсафий тафаккур бешиги», деб бекорга таърифламаган. Шуни таъкидлаш жоизки, бизнинг

цивилизация ўзига хос толерант тафаккур услубига таянади. Бундай тафаккур услубига бизнинг заминимизда узоқ вақт ҳам оташпарастлик, ҳам буддавийлик, ҳам яхудийлик, ҳам христианлик, ҳам ислом динлари бўлганини мисол келтириш мумкин.

Ана шундай анъанаалар Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элатлар вакилларининг туб манфаатларини, халқимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу-умидлари, олижаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этади.

Ушбу анъана ва тафаккур тарзининг таркибий қисми миллатлараро тотувлик фояси бўлиб, у — умумбашарий қадрият, турли халқлар биргаликда истиқомат қиласиган минтақа ва давлатлар тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ҳамда барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қиласи.

Х У Л О С А

Бугунги кунда халқимиз томонидан истиқлол йилларида босиб ўтилган тарихий йўл, эришилган улкан ютуқ ва мэрралар, уларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳар томонлама тарғибот-ташвиқот қилишда, яъни ҳаёт ҳақиқатини ёритишида, эришилган ютуқларни жамоатчиликка етказишда биз баъзан ҳаётдан ортда қолмоқдамиз. Хусусан, истиқлол йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган ўзгаришлар, уларнинг замини ва омилларини кўрсатишида дадилроқ ва қатъийроқ бўлишимиз даркор. Истиқлол ўзбек халқига туҳфа тариқасида берилмаганини ҳар тарафлама чуқур ёритиб ва исботлаб беришга қаратилган илмий изланиш ва таҳдиллар бугунги кунда ўта долзарбдир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг 18 йиллик мустақил тараққиёт йўлини бутун мураккаблиги ва қамрови билан ёритиб бериш Ватанимизнинг истиқлол тарихини ўрганишида, уни тарғиб этишида, ҳеч шубҳасиз, мустаҳкам асос бўлиб хизмат қиласи.

Ушбу қўлланмада келтирилган фикр ва далиллар асосида тегишли хуласалар чиқариш мумкин.

Биринчидан, Ўзбекистоннинг мустақиллиги осон ва ўз-ўзидан қўлга киритилмаган, балки Юртбошимиз раҳнамолигидаги событқадамлик ва сермашаққат фаолиятнинг натижаси бўлган эди. Шу маънода истиқлол кимнингдир инъоми эмас, балки кўплаб курашлар натижасида қўлга киритилган қонуний натижа, халқимизнинг улкан ютуғидир.

Иккинчидан, тарихан қисқа бу давр, бир ўспирин вояга ёттудек бир вақт давомида ёш давлатимиз учун ҳар томонлама ривожланиш ва юксалиш даври бўлганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас.

Учунчидан, бугунги кунда халқаро ҳамжамиятнинг эътирофига кўра, Президент Ислом Каримов томонидан асослаб берилган жамият ҳаётини тубдан ислоҳ қилиш, жаҳонда молиявий-иктисодий инқироз бўлиб турганига қарамай иктисодий ривожланиш ва ижтимоий ҳаётни эркинлаштириш, жамиятни демократлаштириш ва босқичма-босқич модернизациялаш модели амалда ўзини тўла оқламоқда.

Тўртинчидан, Ўзбекистонда фаол демократик янгилашилар ва мамлакатни модернизация қилиш давом этмоқда. Бунда жамиятимизнинг барқарор ривожланиши, сиёсий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини янада ислоҳ этиш, хусусан Конституцияда белгилаб берилган инсон манфаатлари, эркинлиги ва фаровонлигини тўла таъминлаш, парламентаризм ва кўп partiyaviloylikning siёsий ҳаётда тўлароқ жорий этилиши фоят муҳим роль ўйнамоқда.

Бешинчидан, мустақилликнинг ilk кунларидан бошлаб мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иктисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда амалда ўзини тўла оқлаган ислоҳотларнинг машҳур беш тамойили ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

Олтинчидан, мазкур тамойиллар мамлакатимизни ислоҳ этиш бўйича аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаб олиш имконини яратди, дунёда юз бераётган молиявий-иктисодий инқирозлар даврида ҳам мамлакатимизнинг барқарор ривожланишига асос бўлди. Айнан ана шу тамойиллар асосида пайдо бўлган «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг», «Ислоҳотлар — ислоҳот учун эмас, аввалио инсон учун, унинг манфаатлари учун» деган шиорлар бугун кўпчиликка ёд бўлиб кетди.

Тараққиётнинг ўзбек модели ривожланиш тамойилларини тўгри танлаб олишда асос бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистонда демократик тараққиёт йўлини танлашда республиканинг ўзига хос хусусиятлари, халқ анъаналари ва миллий урғ-одатлари, турмуш тарзининг ҳисобга олингани ўз йўлимизни топа олишимизга асос бўлди. Президент Ислом Каримов томонидан адолатли, демократик хуқуқий давлат

қуришнинг беш асосий тамойилининг илгари суримиши ҳам шундан. Бу эса республикада янги ижтимоий тузумга ўтишнинг пухта ўйланган стратегиясини ишлаб чиқиш имконини берди. Албатта, бунда давлатимиз раҳбари томонидан демократик давлат қуришда ўзини оқлаган жаҳон тажрибаси чукур ўрганилди. Шарқона босиқлик асосида олиб борилган сайъ-ҳаракатлар туфайли Ўзбекистонда демократик давлат қуриш стратегиясининг миллий давлатчилик, иқтисодиёт ва маънавиятни юксалтиришга қаратилишига эришилди. Мамлакатимизнинг мавжуд табиий-иктисодий, минерал хомашё ва инсоний салоҳиятини холисона баҳолаган ҳолда жаҳон хўжалик алоқалари тизимида муносиб ўрин эгаллашга муваффақ бўлинмоқда.

Демократик давлат қуриш тамойиллари, яъни иқтисоднинг сиёsatдан устуворлиги, давлатнинг бош ислоҳотчилик фаолияти, қонун устуворлигига эришиш, кучли ижтимоий ҳимояни амалга ошириш, бозор иқтисодиётiga эволюцион йўл билан, босқичма-босқич ўтиш Ўзбекистоннинг стратегик ривожланиши учун асос бўлди. Шу тариқа жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида тараққиётнинг ўзбек модели намоён бўлмоқда, демократик давлат қуриш жараёнларида инсон эркинлиги, хукуқлари ва манфаатлари таъминланмоқда.

Пухта ўйланган изчил ташқи сиёsat туфайли давлатимизнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши, ҳалқаро майдонда обрў-эътиборининг ортиб бориши астасекин, аммо муттасил давом этиб келмоқда. Лекин бунинг ўзи етарли эмас. Мамлакатимиз ҳалқаро ҳамжамият олдида турган долзарб муаммоларни ҳал этиш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, ташабbusлари эвазига, ҳалқаро ташкилотлар ва тузилмалар фаолиятидаги самарали иштироки орқали ҳам ўзига обрў орттируммоқда.

Хуллас, эришилган ютуқлардан фахрланиш бугунги кунда фуқароларимизда келажак учун масъулият билан бирга Ватан тақдери ва келажагига дахлдорлик туйғусини ҳам шакллантируммоқда. Ўтган ўн саккиз йил давомида мустақиллик биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият булиб, мил-

лий ўзлигимиз, ор-номусимиз, гуур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва мэрраларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида шу муқаддас заминда яшаётган барча ватандошларимиз қалбидан мустаҳкам ўрин эгалла-моқда.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I. СИЁСИЙ СОҲА, ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ЙЎНАЛИШИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР	6
II. ИҚТИСОДИЙ СОҲАДАГИ ЙОТУҚЛАР	31
III. ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ ЎЗГАРИШЛАРИ	51
IV. МАЊНАВИЯТ СОҲАСИ РИВОЖИ	68
ХУЛОСА	82

**МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН – ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ,
ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН
МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНИЛИГИНИНГ,
БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО
ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР**

*Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг
ўн саккиз йиллигига бағишилаб ўтказиладиган
тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланиши учун*

ҚҰЛЛАНМА

Мұхаррирлар *P. Тоирова, Л. Игамова*
Бадийи мұхаррир *Х. Күтлуков*
Мусаҳид *С. Салохутдинова, Ш. Орипова*
Техник мұхаррир *У. Ким*
Компьютерда тайрловчи *Ф. Тугушева*

Босишга рухсат этилди 10.07.2009. Қоғоз бичими $84 \times 108^{\text{!}}_{\text{?}}$.
«Таймс» гарнитурада оғсет усулида босилди. Шартли б.т. 4,62.
Нашр т. 4,1. 13 000 нусхада чоп этилди. Баҳоси шартнома асосида.
Буюртма № 09-203.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30

2260c.

66.3(5Ў)6

Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинч-
M 90 лиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва
фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо
этишнинг гаровидир: ЎзР Давлат мустақиллигининг ўн сак-
киз йиллигига багишлаб утказиладиган тарғибот-ташвиқот
ишлирида фойдаланиш учун кўлланма / ЎзР Президенти ҳузу-
ридаги давлат ва жамият қурилиши академияси, Республика
миллий ғоя ва мафкура илмий амалий маркази, Республика
маънавият тарғибот маркази. — Тошкент: «O‘zbekiston», 2009. —
88 б.

ББК 66.3(5Ў)бя7+65.9(5Ў)я7